

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**Alisher Navoiy nomidagi
Samarqand davlat universiteti**

Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti

«Himoyaga ruxsat berilsin»

Fakultet dekani
Dots.B.E.Usmonov

«___» _____ 2012 yil

«Milliy g'oyavafalsafa» kafedrasi

Yo'nalish-5A141502 – «Milliy g'oyaning falsafiy masalalari»

Mavzu: Markaziy Osiyo mutafakkirlari ijodida milliy g'oyaning tutgan o'rni.

MAGISTRLIK DISSERTASIYA ISHI

Magistr: Botirov Azizbek

Ilmiy rahbar:dots.O.G'aybullayev

Taqrizchi: dots.R.Rejepov

«Himoyaga tavsiya qilinsin»

«Milliy g'oya va falsafa» kafedrasi

Mudiriprof. J.Ya.Yaxshilikov _____

«___» _____ 2012 yil

Samarqand-2012

|

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-13
1 БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА АДАБИЙ ИЛДИЗЛАРИНИ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	14-38
1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан миллий ғоя илмий-назарий асосларининг яратилиши	14-24
1.2. Миллий ғоя маънавий илдизларининг фалсафий меросда намоён бўлишини тадқиқ этишнинг концептуал-услубий муаммолари	-
2 БОБ. МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ВА ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИДА НАМОЁН БЎЛИШИ	-
2.1. «Авесто», Халқ оғзаки ижоди ва илк ёзма ёдгорликларда миллий ғоя маънавий илдизларининг дастлабки кўринишлари	-
2.2. Миллий ғоя ривожланишида Алишер Навоий ижодининг фалсафий аҳамияти	-
3 БОБ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА ШҶРОЛАР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ҒОЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИ	-
3.1. Жадидлар ижоди ва фаолиятида миллий ғоя муаммоси	-
3.2. Миллий ғоя адабий маънавий илдизларини ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти	-
ХУЛОСА	-
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	-

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллигининг дастлабки йиллариданок янги жамият қуришда, шаклланаётган кўп укладли иқтисодиёт ва мулкый табақаланиш, кўппартиявийлик ва мафкуравий хилма-хиллик шароитида олдимизда турган умумий вазифаларни англашда, баркамол авлодни тарбиялашда халқнинг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларини бирлаштирувчи ғоя зарурати юзага чиқди.

Бундай ғоя фақат миллий ғоя бўлиши мумкинлигини илмий англаб олинишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарлари катта аҳамият касб этади. Ушбу муносабат билан Президентнинг қатор асарларини,¹ миллий ғоя масаласига бағишланган чиқишларини, «Фидокор» газетасига берган интервьюсини,² айниқса, 2008 йилда чоп этилган «Юксак маънавият – енгилмас куч»³ асарини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Ислом Каримов ўз асарларида миллий ғоя заруратини, миллий ғоянинг моҳияти, назарий асослари ва тамойилларини очиб берди.

Ислом Каримов асарларида ғоя ва мафкурани сунъий тарзда яратиб бўлмаслиги уқдирилади. Миллий ғоя халқнинг тарихий орзуси, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва талабига айланиши эътироф этилади. Миллий ғоя халқнинг энг эзгу орзу ва улуғ интилиши, ғурур ва ифтихори, ор-номус ва руҳий мададкори сифатида у билан доимо бирга яшаб келаётган ғоя эканлиги, шунингдек миллий ғоянинг бўм-бўш жойда пайдо бўла олмаслиги каби назарий хулосалар миллий ғоянинг теран маънавий илдизлари

¹Каримов И.А. Буюкмақсад ўлиданоғишмайлик. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. // Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак ўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б.132-154. // Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. 7- жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

²Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

³Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.

мавжудлигини кўрсатади ва ушбу масаланинг илмий долзарблигидан далолат беради. Маънавий илдизлар халқ маданий меросида ва менталитетида яшаб келаётган, унга ўзлигини англашга, бирлашиб юксалишга ёрдам берадиган кадриятларни ифодаловчи бадий ва илмий тимсоллар, образлар, тамойиллар, ғоялар ва идеаллардир. Улар бугун ҳам халқимиз маънавиятини, кадриятлар тизимини, дунёқарашини озиқлантириб, ижтимоий мўлжалларини, юксак мақсадларини белгилашга таъсир кўрсатиб келмоқда. Шу боис биз уларни миллий ғоянинг маънавий илдизлари, деб атадик. Ҳақиқатан, миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳиятини, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини теран англаш, уни миллий тараққиётнинг устувор йўналишлари билан боғлаб, такомиллаштириб бориш ва унинг ёрдамида халқни руҳлантириш жуда муҳим. Бунинг учун миллий ғоянинг маънавий илдизларини билиш, тадқиқ этиш, бугунги кундаги унинг асосий тушунча, тамойиллари ота-боболаримиз қарашларида ҳам ўзига хос орзу-интилишлар, кадриятлар сифатида мавжуд бўлганини ўрганиш илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам долзарбдир. Бу, биринчидан, миллий онгимиз, тафаккуримиз, халқимиз ижтимоий фикрининг ривожланиш босқичларини ўрганишга ёрдам берса, иккинчидан, миллий жипсликни мустаҳкамлашга, олий мақсадлар йўлида халқнинг сафарбарлигини кучайтиришга хизмат қилади, учинчидан, адабий мероснинг таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кучайтиришдаги, жамият аъзоларини, айниқса ёшларни аниқ ижтимоий мўлжаллар, мезонлар билан қуроллантиришдаги, ҳар хил маънавий таҳдидлар ва ғоявий хуружларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдаги аҳамиятини теран тушуниш ва амалда самаралироқ қўллаш имконини беради.

Миллий ғоя куртаклари турли тарихий даврларда пайдо бўла бошлаган, мазмунан бойиб борган, баъзан эса унутилиб сўниш даражасига келган, зўровонлик билан халқдан бегоналаштириш сиёсати исканжасида хиралашган. Шунга қарамасдан, ҳар бир даврда халқ мутафаккирлари

томонидан миллий ғоя ҳис этилиб, англаб келинган ва улар ўз асарларида турли усулларда, образли тимсолларда уни акс эттирганлар.

Мавзунинг долзарблиги миллий ғояни ҳар томонлама тадқиқ этиш, жумладан унинг маънавий манбаларини аниқлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш зарурати билан ҳам белгиланади.

Миллий ғоя моҳиятини ва ижтимоий вазифаларини чуқурроқ англаш учун уни озиқлантирувчи илдизларни мантиқийлик ва тарихийлик, ворисийлик ва ўзгарувчанлик муштарақлигидан келиб чиқиб ўрганиш зарур. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари ранг-баранг. Улар илм-фан, адабиёт ва санъат, фалсафа ва дин, ахлоқ ва ҳуқуқ каби ижтимоий онг шакллари ва ижодий-интеллектуал соҳаларда намоён бўлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий ғоя, маданий-тарихий меросда илғор ғояларнинг акс этиши, миллатлараро муносабатлар, ғоявий-мафкуравий масалалар, маънавий таҳдидлар, уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳақида Президент И.А.Каримов асарларидан ташқари файласуфлар, сиёсатшунослар, адабиётшунослар, маънавият масалалари билан шуғуллланувчи олимлар, бошқа мутахассислар томонидан кўплаб рисоалар, мақолалар чоп этилган. Миллий ғоя фан сифатида таълимнинг барча бўғинларида ўқитилмоқда. Шу боис қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам яратилди. Энг аввало «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.¹ Айнан ушбу рисола миллий истиқлол ғоясини таълим бўғинларида тизимли ўқитиш учун илмий услубий асос бўлди. Тадқиқотлар орасида Хайруллаев М.М.², Шермуҳаммедов С.³ Пўлатов Ҳ.П.,⁴ Назаров Қ.⁵ Юсупов Э,¹ Саифназаров И,² Алимова Д.А.,³ Қосимов Б,⁴ Комилов

¹Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

²Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. (Уйғониш даври маданияти). -Тошкент: Фан, 1994.

³Шермуҳаммедов С.Ш. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданияти. -Тошкент: Маънавият, 1998.

⁴Пўлатов Ҳ.П. Ўзбек мафкуриси. // Мулоқот. -Тошкент: 1991, №6,7.

⁵Назаров Қ.Н. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. Ҳозирги замон ва умуминсоний қадриятлар. -Тошкент: Маънавият, 1993.

Б,⁴ Комилов Н,⁵ Отамуродов С, Мамашокиров С, Холбеков А,⁶ Эркаев А,⁷ Жўраев Н,⁸ Жакбаров М,⁹ Очилдиев А,¹⁰ Шарифхўжаев М,¹¹ Қўчқоров В,¹² Ризаев Ш,¹³ Султонмурод Олим¹⁴ ва бошқаларнинг ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

М.Хайруллаев монографиясида IX-XII асрларда яшаб ижод этган буюк аждодларимиз мероси тадқиқ этилса, Б.Қосимов асарларида XIX аср охири – XX аср 30-йилларидаги жадиidler мероси ҳар тарафлама таҳлил этилади.

Н.Комиловнинг «Тафаккур карвонлари» асарида буюк мумтоз маданиятимизнинг жаҳоншумул аҳамияти, ғарб мутафаккирларига таъсири ҳақида сўз боради. Д.Алимова инсоният тарихини ғоя ва мафкуралар тарихи сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади. Султонмурод Олим эса Алишер Навоий ижодини миллий тараққиёт билан боғлаб тадқиқ этади.

Миллий истиқлол ғояси, миллий мафкура, мафкуравий иммунитет, сиёсий маданият масалалари И.Саифназаров, Қ.Назаров, А.Очилдиев, Н.Жўраев, Ҳ.Пўлатов, С.Отамуродов, С.Мамашокиров, Ш.Ризаев асарларида таҳлил этилади. Миллий ғояни ўрганиш ва тадқиқ этишда Қ. Назаров асарларини алоҳида эътироф этиш жоиз. А.Эркаев, В.Қўчқоров, Э.Юсупов миллий ғояни маънавият масалалари билан боғлаб ўргансалар, С.Шермуҳаммедов, А.Очилдиев миллий ғояга миллатлараро муносабатлар контекстидан келиб чиқиб ёндашадилар. А.Очилдиев монографиясида миллий ғоянинг назарий масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. М.Жакбаров

¹Юсупов Э.Ю. Ёшларнинг маънавий камолоти. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

²Саифназаров И.Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият.-Тошкент: Шарқ, 2001.

³Алимова Д.А. Инсоният тарихи ғоя ва мафкуралар тарихидир. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

⁴Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Тошкент: Маънавият, 2002.

⁵Комилов Н. Тафаккур карвонлари. -Тошкент: Маънавият, 1999.

⁶Отамуродов С, Мамашокиров С, Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

⁷Эркаев А.П. Миллий ғоя ва маънавият. -Тошкент: Маънавият,2002.Маънавият ва тараққиёт. -Тошкент: Маънавият,2009.

⁸Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Тошкент: Маънавият,2001.

⁹Жакбаров М. Комил инсон ғояси. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.

¹⁰Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004.

¹¹Шарифхўжаев М. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар. -Тошкент: 2002.

¹²Қўчқоров В. Маънавият ва миллий ўзлиқни англаш. -Тошкент: Академия, 2008.

¹³Ризаев Ш. Қалбга йўл.Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

¹⁴Султонмурод Олим. Навоий – ёшларга. -Тошкент:Маънавият, 2008.

комил инсон ғоясининг маданий меросда акс этишини кўрсатишга ҳаракат қилади.

М.Қуронов рисола ва мақолаларида миллий ғоянинг тарбиявий ва ижтимоий-педагогик масалалар билан алоқадор жиҳатлари кенг тадқиқ этилган¹. М.Қирғизбоев миллий ғоя, маънавий мероснинг фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини очиқ беришга уринади.² уринади.² Ж.Туленов, К.Юсупов, З.Ғафуров миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурияти, унинг моҳияти, иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳалардаги вазифалари ҳақида фикр юритадилар.³

Қисқа қилиб айтганда, миллий ғоя масаласининг турли йўналишлари ва аспекти ижтимоий ва гуманитар фанлар вакиллари томонидан фаол ўрганилмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг мавзуси Самарқанд давлат университети “Миллий ғоя ва фалсафа” кафедрасининг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари” мавзусидаги илмий тадқиқот дастури доирасига киради.

Тадқиқот мақсади. Марказий Осиёда миллий ғоя маънавий илдизларининг намоён бўлишини тизимли, концептуал ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Президент И.А.Каримов томонидан миллий ғоя тушунчасининг илмий назарий асосланганлигини кўрсатиш;
- миллий ғоя маънавий илдизларининг фалсафий меросда намоён бўлишини тадқиқ этишнинг концептуал-услубий муаммоларини аниқлаш ва

¹Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. -Тошкент: Маънавият, 2005.//Қуронов М. миллий тарбия. -Тошкент: Маънавият, 2007// Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Тошкент: Академия, 2008.

²Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти:сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. -Тошкент: Шарқ,1998 // Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти:назария ва ҳорижий тажриба. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.

³Туленов Ж, Юсупов К, Ғафуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. - Тошкент:Ўзбекистон, 1993.

ўзликни англашда, миллий менталитетни ривожлантиришда ва халқни умумимиллий мақсадлар теварагида жипслаштиришда, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқаришда миллий ғоянинг аҳамиятини кўрсатиш;

- Марказий Осиёфалсафий меросида ҳамда қорахонийлар даврида миллий ғоянинг туб негизий қадриятлари ҳисобланмиш миллий жипслик ва бирлик масалалари қўйилишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

- Навоий ижодида юрт тинчлиги, халқ аҳиллиги, жипслиги, ватанпарварлик, маъмурлик ва фаровонлик, мамлакат равнақи, адолат, комил инсон каби миллий ғоянинг узвий унсурлари бўлмиш қадриятлар тизими ҳар томонлама бадий-фалсафий талқин ва тарғиб этилганини очиб бериш;

- мустамлакачилик даври жадиждлар фалсафий меросида миллий ғоянинг қайта жонланишини, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиб, ўрта асрлардаги баъзи тамойиллардан воз кечилгани ва янги тамойиллар олға сурилгани ижтимоий зарурат эканлигини асослаш;

- шўролар мустамлакачилиги даврининг энг илғор адиблари ижодида, расмий тарғиботдан фарқли, халқнинг тарихий хотирасини тиклашга, миллий ўзлигини, кадр-қимматини англашга, озодлик, ватанпарварлик ғоялари турли бадий усулларда, шартли, мажозий, рамзий образларда эътибор қаратилганини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотобъектини адабий мерос намуналари, хусусан халқ оғзаки ижодиёти ва тошбитиклар, темурийлар даврининг буюк даҳоси, ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ижоди, жадиждларнинг миллий уйғониш адабиёти, шунингдек жадиждлардан кейинги давр адабиёти намуналари ташкил этади. Миллий ғоянинг тадрижий ривожланиши ва халқ туб манфаатлари, мақсадлари билан боғлиқлигининг илмий-фалсафий жиҳатлари тадқиқот предметиدير.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлаштириш, мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш, тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот илмий фарази. Миллий ғоя халқ орзу-интилишлари ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, бир томондан, моҳиятан барқарорлигини, иккинчи томондан – ўзгарувчанлигини, нисбийлигини намоён қилади. Фалсафий мероснинг турли даврлари асарларида илгари сурилган илғор ғояларда тадрижий ривожланишнинг ворисийлик ва ўзгарувчанлик, анъанавийлик ва замонавийлик тамойиллари юзага чиқади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- миллий ғоя сунъий равишда ўйлаб топилмайди, у миллатнинг ҳаёти, тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда турли ифодавий шаклларда доимо мавжудлиги адабий меросда яққол акс этади;

- миллий ғоя тор доирадаги сиёсий масала ёхуд этнографик тушунча эмас, балки ижтимоий тараққиётга эришиш йўлида халқни бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи конкрет-тарихий тушунчадир. У халқ билан бирга яшайди, ривожланади, давр талабларига жавобан ўзгаради, сайқал топиб, такомиллашиб боради;

- миллий ўзликни у ёки бу даражада англашни кўрсатувчи, миллий ўзликни ва умумманфаатларни ифода этувчи конкрет ғоялар маданий меросда, хусусан адабий ёдгорликларда муайян тарзда акс этиши муқаррар. Шу боис фалсафий меросда халқимизнинг турли тарихий даврларда ўз орзу-ниятларини, юксак мақсадларини, манфаатларини ифодалаган ғоялари бўлган. Бугун уларга биз миллий ғоямизнинг теран маънавий илдизлари сифатида қарашимиз ва ўрганишимиз керак.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- фалсафий мерос намуналари тадқиқот мавзуси, мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан, яъни миллий тараққиётга таъсир кўрсатувчи ғояларни

ўзида ифодалашидан келиб чиқиб, ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан илк бор таҳлил этилди;

-миллий ғоянинг куртаклари, баъзи бир тушунчалари, тамойиллари турли даврларда халқимиз томонидан, ёки халқимизнинг энг илғор ижодкорлари томонидан маълум даражада англаб олинганлиги ва талқин қилингани кўрсатиб берилди;

- миллий ғоянинг умуминсоний мазмунга эга бўлган эрк, озодлик, миллий жипслик, тинч-тотувлик, элу юрт учун фидойилик ва шу каби фундаментал, яъни пойдеворини ташкил этувчи бирламчи тушунчалари, тамойиллари турли тарихий даврларда мазмунан ва шаклан бойиб, баъзан, аксинча, қашшоқлашиб қолсада, моҳиятан барқарорлигини сақлаганлиги махсус таҳлил қилинди;

- миллий ғоя фаол ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида ҳар бир тарихий давр халқ олдида қўйган талабларни ифодалаган, уларга мос тарзда баъзи бир мезонларини, баҳоларини, тамойилларини ўзгартирганлиги тавсифланди ва далилланди;

- миллий ғоянинг фундаментал тушунча ва тамойилларининг моҳиятан барқарорлигида ворисийлик қонунияти юзага чиқиши кўрсатилди;

- ворисийлик билан ўзгарувчанлик миллий ғоянинг тадрижий ривожланиш қонунияти эканлигини мумтоз адабий мерос ҳар томонлама тасдиқлаши очиб берилди.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарлари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилди. Шунингдек, тадқиқотда етакчи олимларнинг илмий-назарий хулосалари, хусусан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот, биринчидан, ҳақиқий миллий ғояни сохта миллатчилик ғояларидан фарқлаш лозимлигини, миллий ғоя халқнинг бой тарихий тажрибаси, жамият ҳаёти

ривожланиши билан боғлиқ эканлигини очиб беришга ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатишга уринади. Иккинчидан, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини назарий жиҳатдан чуқурроқ англашга, турли қирраларини, хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ҳар тарафлама таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ёрдам беради. Учинчидан, миллий ғоянинг илмий мезонларини (критерийларини) аниқроқ тушунишда, бу мезонлардаги тарихийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик, тараққийпарварлик талаблари муштараклигини кўрсатишда муайян аҳамият касб этади.

Тадқиқот миллий ғояни назарий жиҳатдан чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шунингдек, миллий ғояни таълимнинг турли бўғинларида ўқитишда, ўқув ва ўқув методик қўлланмалар яратишда, маънавият ва миллий ғоя тарғиботида диссертацияда акс этган конкрет фактлар, умумлаштирилган материаллардан, илмий хулосалардан унумли фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», олти параграфни ўз ичига олган уч боб, «Хулоса» ва «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Ишнинг умумий ҳажми __ бетни ташкил этади.

I БОБ- МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ФАЛСАФИЙВА АДАБИЙ ИЛДИЗЛАРИНИ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан миллий ғоя илмий-назарий асосларининг яратилиши

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1993 йил апрел ойида бир гуруҳ атоқли ёзувчи ва олимлар билан суҳбати миллий истиқлол ғоясининг янги ривожланиш даврини бошлаб берди.

Асосий масала мустақилликни сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга омон етказиш, қадрини тўғри тушуниб, миллат ва халқ сифатида ўз қаддимизни кўтаришимизда мафкуравий омиллардан, маънавий-маърифий ишлардан, тадбирлардан тўғри ва етарли фойдаланиш, янги тарихий воқелик -мустақил тараққиёт учун халқнинг асрий орзу-армонлари ва интилишларини акс эттирувчи миллий ғояни шакллантиришдан иборат эди. Ўзбекистон Президентининг зиёлиларга қарата қўйган саволларидан мақсад ҳам шу эди: « Ўзбекистоннинг миллий ғурури нимадан иборат?

Ўзбекнинг асосий фазилатлари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади?

Меросимизнинг асосий қирралари, сабоқлари нимада?

Янги мафкуранинг хусусиятлари борми, ким бу дастуриламални ишлаб чиқади? »¹

Чунончи, миллий ғоя ва миллий мафкура борасида барча талқин, хулоса ва илмий мунозаралар Президентнинг юқорида келтирилган савол ва даъватларига жавоб сифатида юзага чиқа бошлади.

1993 йил «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси» рисоласида миллий ғоя ва миллий

¹Ислам Каримов. Ўзбекистон:Миллий истиқлол,иқтисод,сиёсат мафкура.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.207-212.

мафкуранинг асосий жиҳатлари, муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлидаги вазифалар ҳақида олимларнинг матбуотда эълон қилинган мақолалари жамлаб чоп этилди.

Рисолада “миллий истиқлол мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маънавий, маданий меросимиз ташкил этиши, ҳар бир жамиятнинг ўз мақсадларини ҳимоя этувчи, шу мақсад атрофида халқни уюштириб, сафарбар этувчи ғояларга эга бўлиши кераклиги, бу мафкура, яъни истиқлол мафкураси Ватан, халқ манфаатига садоқат, миллий маънавиятимизга, илм, фан, маданият юксалишига хизмат қилиши, шахс истеъдоди, фаоллиги, эркига ҳурмат, бошқа халқларга дўстлик ва биродарлик ғоялари билан суғорилган бўлиши кераклиги эътироф этилди.

Айни пайтдамазкур рисолада баъзи бир баҳсли, чалкаш фикрлар билдирилганини ҳам кўрамиз. Айрим ўринларда миллий ғояни кўпроқ титул халқ ғояси, яъни этник бирлик хусусиятлари ва манфаатларини ифодаловчи ғоя сифатида талқин этишга мойиллик билдирилган.¹ Ўша даврда жамиятимизнинг ҳам, олимларимизнинг ҳам миллий ғоя тўғрисидаги тушунчалари ҳали саёз, энди шаклланаётган эди. Шу сабабли тўғри фикрлар билан бир қаторда айрим чалкаш мулоҳазалар учраши ҳам табиий эди.

Албатта, миллий ғоя халқнинг тарихи, ҳаёти, онги, маданияти, урф-одатлари билан боғланган, улардан айри ҳолда шаклланмайди. Аммо шу билан бирга у этнографик тушунча ҳам эмас. Ҳақиқий миллий ғоя доимо умуминсонийлик мазмунига эга. Зеро, миллийлик умуминсонийликнинг мавжудлик шаклидир. Келиб чиқиши бирор халққа тегишли бўлмаган, бирор бир миллий шаклда ифодаланмаган умуминсоний ғоянинг ўзи йўқ. Умуминсоний ғоя— бу тор маҳаллийчиликдан ҳоли бўлган, бошқа минтақалар ва халқлар учун ҳам фойдали бўлган ҳақиқий миллий ғоядир. Буни Ислом Каримов 1993 йилдаёқ уқтирган эди.

¹Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси. -Тошкент: Ўзбекистон 1993 й.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Х11-сессиясида (1993 йил, 6-май) сўзлаган нутқида олдимизда турган энг муҳим масала —миллий ғоя негизида шаклланадиган миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш эканлигини таъкидлади, «миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак».¹

Ислом Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида миллий истиқлол мафкурасининг халқимиз ҳаётидаги муҳим аҳамияти ва ўрни очиқ берилди: «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин».²

Мазкур мулоқотда Ўзбекистон Президенти табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум - бўшлиқ бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги ўзининг илгариги айтиб ўтилган фикрини давом эттириб, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўймаслик керак, акс ҳолда ўша ерда ёт, бегона мафкура ҳукумронлик қилиши мумкинлигидан огоҳ этади. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий, сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам мафкура иккинчи даражали масала бўла олмайди. «Мафкура бўлмаса, одам, жамият ўз йўлини йўқотиши муқаррар».³

“Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан мулоқотда Ислом Каримов яна бир муҳим масалага эътиборни тортади: миллий тарихимиз,

¹Ислом Каримов. Ўзбекистон:Миллий истиқлол,иқтисод,сиёсат,мафкура.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. —Б.203.

²Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ,миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур журнали, 1998. 2-сон, - 66.

³Ўша жойда, -76.

умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш зарурлиги, шундагина миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ҳаётийлиги, унинг мавсумий шиор эмаслиги ва уни сунъий равишда ўйлаб топиш мумкин эмаслиги, аксинча, миллат ва халқ тараққиётининг тарихини ҳам бугунини ҳам яхлит қамраб олишини илмий асослаш мумкинлигини эътироф этади.

Ислом Каримовнинг миллий ғоя ва мафкуранинг маънавий илдизлари ҳақидаги фикрлари тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбатида янада ривожлантирилди. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланиши, тарихий хотирасиз келажак йўқлиги, тарих сабоқлари доимо инсонни хушёрликка ўргатиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўзликни англаш хусусидаги фикрлар давлат раҳбарининг миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ижодий жамоатчилик билан учрашувда янада теран мулоҳазалар билан бойитилганини кузатамиз: «Миллий мафкуранинг яна бир муҳим шarti – бу ўзликни англашдир. Ўзликни англаш деганда, мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишни тушунаман. Маънавият, мафкура борасида четдан, кўр-кўрона нусха кўчириб бирон натижага эришиб бўлмайди».¹ Миллий ғоямизнинг ўз теран маънавий-тарихий илдизлари мавжуд.

2000 йил апрелда Ислом Каримов файласуф, тарихчи, адабиётшунос, сиёсатшунос олимлар, таниқли адиблар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан Оқсарой қароргоҳида миллий мафкурага бағишлаб ўтказилган йиғилишда эътиборни мафкуранинг қуйидаги масаларига қаратди:

1. Миллий тараққиёт масаласида ҳар қандай давлат ёки жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак.

¹Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

2.Ўтиш давридаги тўсиқлар, ғовлар, қийинчиликлар ва хатолардан халқимизни оғишмай келажак сари етакловчи, мақсад сари ундовчи миллий мафкура зарурдир.

3.Шаклланаётган ёш авлодни қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялаш масаласи ҳал этилмоғи керак.

4.Тарбиявий ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда ўз йўлимизни йўқотмаслик учун ҳам, мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик учун ҳам ғоя ва мафкура керак.

5.Миллий ғоя ва мафкура халқимизнинг ўзлигини англашга, қадриятларни ҳурмат қилишга, миллий ғурурни ҳис қилишга хизмат қилиши зарур.

6.Миллий ғоя ва мафкура халқимизнинг ўтмиш қадриятларини ҳисобга олган ҳолда юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, халқ манфаати йўлида хизмат қилмоғи керак.

7.Миллий ғоя ҳеч қачон давлат мафкураси даражасига чиқмаслиги керак.

Ўзбекистон Президентининг “Фидокор” газетаси мухбири билан “Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман”¹ деб номланган суҳбатида миллий ғоя ва миллий мафкура тўғрисидаги таъриф ва қарашлар умумлаштирилганини эътироф этиш жоиздир.

Жамият олдида турган ва ҳал этилиши зарур бўлган асосий вазифалар юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби асосий ғоялар тизимида ўз ифодасини топди. Шунингдек, миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқишда кўзда тутилиши зарур бўлган жиҳатларга эътибор қаратилди. Хусусан, халқ ва миллат мафкурани умри давомида бойитиб бориши, мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмаслиги, аксинча, ҳаётнинг янги-

¹Ислом Қаримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.8-жилд.- Тошкент:Ўзбекистон, 2000.

янги талаб ва вазифаларига жавобан доимо ривожлантирилиши зарурлиги таъкидланди.

Ислом Каримов томонидан илгари сурилган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий тушунчалари ва йўналишлари негизида Республикамизнинг етакчи файласуф, тарихчи ва сиёсатшунос олимлари томонидан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»¹ рисоласи ишлаб чиқилди.

Мазкур рисоланинг чоп этилишидан мақсад миллий мафкурани тизимли қарашлар кўринишида шакллантириш, уни кишилар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш эди. «Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, - дейди Ислом Каримов рисолага ёзган сўз бошисида, - миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларни маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир».²

Рисолада миллий ғоя ва мафкура тушунчаси, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуранинг ўрни, Ўзбекистоннинг ўз миллий истиқлол ғояси бўлиши зарурлиги, унинг асосий тамойилларини халқимиз ва аввало ёш авлод қалбига сингдириш каби масалалар мухтасар баён этилган.

Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисидаги махсус фармойишининг чиқарилиши масалани ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлди.

Кези келганда эътироф этиш керакки, олимлар ва мутахассислар томонидан миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя масаласида

¹Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

²Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -86.

билдирилган мулоҳазалар ўз-ўзидан силлиқ, равон кечгани йўқ. Баъзан баҳсли ва бир томонлама фикрлар ҳам билдирилди.

Ўзбекистон Президентининг миллий ғоя ва мафкура хусусидаги чиқишлари билан танишар эканмиз, юқорида айтиб ўтилганидек, баҳсли, бир томонлама қарашларга оқилона жавоблар берилганини кузатамиз. Чунончи, миллий ғоя ва мафкура расмий мақомга эга бўлиши лозим деган хато тушунчаларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғиндаёқ Ислон Каримов қуйдагича хулоса берган эди: «Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизда миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди».¹

Баъзан миллий ғоя ва мафкурани айрим олимлар томонидан тор миллий маҳдудлик қобиғига тушириб қўйиш ва талқин қилиш ҳоллари ҳам сезилади. Президентнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида бу борада ҳам ҳолисона хулоса билдирилди: «Миллий мафкура ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик кабилардан мутлақо ҳоли бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши керак».² Зеро, миллий ғоя ва миллий мафкура борасида пухта ўйланмай босилган қадам мутлақо тескари натижа бериши мумкин. «Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади. Миллат, халқнинг ҳамжихатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир».³

¹Ислон Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 98 б.

²Ислон Каримов. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 462-463 б.

³Ислон Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур 1998. 2-сон, - 9 б.

Юқорида таъкидланганидек, баҳсли муносабатлар дин ва дунёвийлик масаласида ҳам билдирилганда, Ислон Каримов қуйдаги тарзда одилона йўлни кўрсатди: «Дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъватларидан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас. Биз бундай нотўғри ва ғаразли талқинларга мутлақо қаршимиз».¹ Ҳақиқатан, ислом дини маънавиятимизнинг туб замирига сингиб кетганини инкор этиб бўлмайди. Миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ғоялари ўз ифодасини топиши зарур.

Дунёвий ва диний қадриятлар борасидаги фикрлар Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли асарида қуйидагича давом эттирилади: «Фарзандларимизга ана шу ҳақиқатларни, яъни дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтириб беришимиз лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди.

Биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз».²

Ислон Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” номли “Тафаккур” журналида билдирилган фикр ва хулосалари унинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли асарида ҳар томонлама ривожлантирилганини кузатамиз.

Асарда мустақиллик йиллари давлатимиз раҳбарининг маънавият, миллий ғоя, мафкура, таълим-тарбия масалалари бўйича олиб борган назарий изланишлари, мулоҳазалари, мамлакатимизда бу борада амалга оширилган ислохотлар тажрибаси умумлаштирилган, теран назарий ва амалий хулосалар

¹Ислон Каримов. Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Фидокор газетаси 2000,8- июн.

²Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият 2008.- 96 б.

қилинган. «Юксак маънавият - енгилмас куч» асари миллий ғоя моҳиятини англаб олишда, уни миллий тараққиёт масалалари билан назарий ва амалий боғлай олишда улкан методологик аҳамият касб этди. Миллий ғоя билан боғлиқ қайси тушунчани, тамойилни ёки масалани олмайлик, асарда уларнинг содда ва аниқ жавобини топамиз.

Хусусан, ғоя ва мафкурани сунъий тарзда яратиб бўлмаслиги, у халқнинг тарихий орзуси, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, энг эзгу орзу ва интилиши, ғурур ва ифтихори, орномус ва руҳий мададкори сифатида халқ билан доимо бирга яшаб келаётган мақсад, тарихий орзу эканлиги очиб берилади. Шунингдек, миллий ғоянинг ва миллий мафкуранинг бўм-бўш жойда пайдо бўла олмаслиги, миллий ғоя этник мансублиги, тили, дини ва ҳоказолардан қатъий назар шу юртда, шу ватанда яшаётган барча фуқароларнинг олижаноб, эзгу ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган ғоя эканлиги каби теран фикрлар миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини, ижодий-бунёдкорлик салоҳиятини билиб олишда ва тўғри талқин қилишда катта илмий ва методологик аҳамиятга эга.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаёт суръатлари беқиёс даражада тезлашаётган бир даврда, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган замонда асрлар синовидан ўтган бой маънавий қадриятларга таянмоқ оқилона йўлдир. «Ҳаммамиз биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини даҳлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваломбор ёш авлодимиз маънавий оламининг даҳлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб, суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий».¹

¹Ислом Каримов.Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -115 б.

Муаллиф бу вазифани шу куннинг энг долзарб вазифаси десак, ҳеч қандай хато бўлмаслигини эътироф этади. Зеро, ёш авлод «эркинлик ва демократияни олға силжитиш», «оммавий маданият» ниқоби остидаги, аслида эса узоқни кўзлаган маккорона сиёсат ва мақсадларга, ошкора ва пинҳона хатарли таҳдидларга фақат мустаҳкам билим, тафаккур эркинлиги, буюк мақсад ва юксак маънавият билангина қарши тура олиши мумкин.

Аждодлардан мерос бўлиб келаётган қадриятлар тизими, умуминсоний қадриятлар, жаҳон мумтоз маданий мероси билан биргаликда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишишларида самарали, ишончли қафолат бўла олади.

Ислом Каримов ёш авлодни мафкуравий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида фикр юритганда, фақат аждодлар маънавий меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмаслиги ҳақида ҳаётий ва холисона хулосалар қилади. Китобда ёшлар ва миллий ғоя, миллий маънавият масалалари кенг қамраб олиниши, ҳар қандай бир ёқламаликдан хоилилиги мамлакатимизда илгари сурилаётган баркамол авлод, комил инсон ғоясининг муттасил теран маъно касб этиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, ўзликни англашда тарихий хотира масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида тарихий хотира борасида ҳам теран маънога эга илмий-назарий хулосалар берилган. «Юртимиз ривожига ҳамма замонларда ҳам бир текис кечмаган, яъни юрт ҳукумдорлари ва амалдорлари халқнинг тақдири ва келажаги ҳақида қайғуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, жаҳолат ва ғафлатга берилиб кетиши оқибатида биз бугун яшаётган минтақа умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин орқада қолиб кетди».¹ Муаллиф эътироф этганидек, ҳукумрон кучларнинг узоқни кўролмагани, маънавий заифлиги оқибатида миллий жипслик, ягона мақсадга интилиш,

¹Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.- 57 б.

миллий тараққиёт ғояси - миллий ўзликни англаш бой берилгани каби тарихий ҳақиқатлар бугун ёшларимиз учун сабоқ бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида бир томондан миллий ғоя тарихи ва тадрижий ривожланишини холисона ўрганиш заруратини англатади, иккинчи томондан эса, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида миллат, халқ ўз аҳиллиги ва бирдамлигини, миллий манфаатлар муштараклигини ҳимоя қилиб, ўз умрини яшаб бўлган ақидаларга боғланиб қолмаслиги учун огоҳликка даъват этади.

«Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида миллий ғоямизнинг, маънавиятимизнинг теран маънавий илдизлари «Авесто»дан бошлаб , халқ оғзаки ижоди - Алпомиш, халқ мақоллари, Темур ва темурийлар давридан бугунгача яшаб келаётган маънавиятимиз тадрижи ва ривожланишидан ибратли мисоллар келтирилган. Асар миллий ғоямизнинг теран илдизларини ўрганишда назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади. У бизга миллий ғоя ва маънавиятга илмий ёндашишни, боқий анъаналарга таянган ҳолда қандай қилиб янги ютуқларни қўлга киритишни, тарихни, маданий меросни ўрганиб келажак тараққиёт йўлини мантикий асослашни ўргатади.

1.2. Миллий ғоя маънавий илдизларининг фалсафий меросда намоён бўлишини тадқиқ этишнинг концептуал-услубий муаммолари

Мазкур муаммолардан қуйидагиларини даставвал ҳал қилиш мақсадга мувофиқ: Биринчидан, ғоя ва миллий ғоя тушунчалари мазмунини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, муносабатларини, уларда миллийлик ва умуминсонийлик ва шу каби бошқа ижтимоий мўлжаллар ва қадриятлар ифодаланишини таҳлил этиш лозим. Иккинчидан, ғоянинг, жумладан миллий ғоянинг инсонга, жамиятга таъсирини ўрганиш лозим. Учинчидан, улкан фалсафий меросдаги таҳлилга жалб этиладиган даврлар ва асарларни танлаш мезонлари, тамойиллари аниқланиши зарур. Тўртинчидан, танланган материалларни тарихий-хронологик усулда ўрганиш керакми, ёки муайян

давр фалсафий меросининг жалб этилган асарларини яхлит ўрганмасдан, алоҳида ғояларнинг турли даврларда талқин этилишини ажратиб олиб таҳлил этиш лозимми, деган масалани ҳал қилиш зарур.

Ушбу муаммоларга муносабатдан тадқиқотнинг концептуал-услубий ёндашувлари, тадқиқотчининг илмий позицияси аёнлашади. Диссертацияда биз фалсафий мерос намуналарини асосан даврий-хронологик кетма-кетликда таҳлил ва умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлаштириш, мавҳумликдан аниқликка кўтарилиш(яъни у ёки бу ғоянинг халқнинг конкрет ҳаётий эҳтиёжлари, манфаатлари ва замон талабларига боғлаган ҳолда конкрет образда ёки образли бадиий матнда акс этгани, ифодаланганини кўрсатиш орқали), тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланиб тадқиқ этдик.

Ғоя ва мафкурада халқнинг ҳаётий эҳтиёжлари, интилишлари ва мақсадлари ўз ифодасини топади. Ўзбек халқи кураётган ва қурмоқчи бўлган жамиятнинг мақсад ва моҳияти ҳам мухтасар тарзда унинг миллий ғоясида ифодаланган. Бу ҳақда фикр юритишдан олдин ғоя тушунчаси мазмуни устида тўхталиш жоиз.

Фалсафа қомусий луғатида «ғоя - инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр»,¹ дейилади. Мазкур қомусий луғатда ғоявий бўшлиқ, ғоявий заифлик, ғоявий зиддият, ғоявий мутаассиблик, ғоявий парокандалик, ғоявий саводсизлик, ғоявий тажовуз, ғоявий қарамлик тушунчалари кенг изоҳланади, шунингдек миллий ғоя тушунчаси «миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли»² сифатида талқин қилинади.

¹Фалсафа: қомусий луғат. -Тошкент: Шарқ, 2004.- Б.485-486.

²Фалсафа: қомусий луғат. -Тошкент: Шарқ, 2004.- 271 б.

Ғоя кишилар дунёқарашининг мазмуни, маъно ва моҳиятини, мақсадини ташкил этувчи оламнинг тушунчавий, мавҳум ва умумлашган инъикосидир. Ғоя тушунчаси тафаккур ва борлиқ категориялари билан чамбарчасдир. Шунинг учун ҳам ғоя тўғрисидаги масаланинг тўғри ҳал қилиниши тафаккурнинг борлиққа муносабатини тўғри қўйилишига боғлиқ.

Ғоя оддий тушунчадан фарқ қилиб, бирор ҳодисани шунчаки ифодалаб қолмасдан, уни мақсад объектига айлантиради. Шу маънода озодлик, эрк тушунчаларини олайлик. Тушунча сифатида улар инсоннинг бировга қарам бўлмаслигини, ёки ҳуқуқларидан маҳрум этилмаслигини, хатти-ҳаракатларини ва фаолиятини ўз хоҳиш-иродасига мувофиқ белгилашини англатади. Бу тушунчалар инсоннинг энг олий туйғуларини ўзида ифода этади. Аммо жамият ҳаётининг маълум долзарб ижтимоий вазифаси билан боғланиб, уни ҳал этишга хизмат қилмаса, мавҳум тушунча бўлиб қолаверади. Агар бу тушунчаларга ғоя сифатида ёндашсак, унда озодликка, эрка эришиш лозимлиги ёки уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарурати, ёки бирор бир ижтимоий ҳаракатни, фаолиятни ушбу ғоялар мезони билан ўлчаб баҳо бериш ва ҳоказолар ҳам ўз-ўзидан назарда тутилади. “Озодлик” тушунчасидан “озодлик” ғояси мазмуни муайян мақсадга йўналтирилгани билан фарқланади. Демак, ғоя инсоннинг ўй-фикрларига, қарашларига мақсад ва интилиш бағишлаб, даврнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга муайян шахсни, ижтимоий гуруҳни, бутун жамиятни сафарбар этиши билан, келажакка интилиши билан оддий тушунчадан фарқ қилади. Масалан, озод ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз деган ғояни озодлик тушунчаси билан қиёсласак, ғоя ва оддий тушунча орасидаги тафовут тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўламиз.

Ғоя жамият муаммоларини тадқиқ этиш асосида шаклланади ва мавжуд ҳолатни эътироф этиб қолмасдан, келажак лойиҳаларини тузишга, яъни жамият олдида турган муаммоларни лўнда, аниқ тушунарли, сиқик ҳолда белгилаш имконини юзага чиқаради. Демак, ғоя жамиятнинг ёхуд

бирор ижтимоий қатлам ёки сиёсий партиянинг, ташкилотнинг аниқ мақсад ва муддаосини ифодалайди.

Умуман, ғоя тор маънодаги лисоний ёки илмий билиш масаласи эмас, яъни ҳамма гап маълум ғоянинг мазмунини белгилаб олишда, яратишда ёки меъёрига етказиб талқин ва таҳлил қила билишда, уни луғатларда ва расмий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйишда эмас.

Бунёдкор ғоя жамият олдида турган муаммоларга оқилона ечим ва шу йўлда сафарбар этувчи маънавий куч сифатида муҳимдир. Тараққиётга, юксалишга хизмат қиладиган ғоя инсон тафаккурининг ижтимоий аҳамият касб этган маҳсули ўлароқ, инсон ва жамият ривожига самарали таъсири билангина умумҳақиқатга айланиши, тарихда муносиб из қолдиради. Бундай ғояларни содда тарзда бунёдкорлик руҳидаги ғоялар деб атаимиз.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобида ҳақли равишда таъкидланганидек: «Тарих тажрибаси шундан далолат беради-ки, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади».¹ Кўпинча бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига ҳокимият учун ёки мулк ва иқтисодий фойда учун курашлар сабаб бўлади. Ўзаро мухолиф сиёсий кучлардан айримларининг жамиятдаги барқарорликни бузишдан манфаатдорлиги уларни турли бузғунчи ғояларни ўйлаб топишга, халқни чалғитиб, ўз ғаразли мақсадларига интилишга ундайди. Аммо баъзан бузғунчи ғоялар пайдо бўлишида билиш жараёнидаги ва эътиқоддаги хатолар сабаб бўлиши мумкин.

Объектив борлиқни, реал ҳолатни нотўғри тушуниш, фантастик, хаёлий тасаввур асосида вужудга келган мақсадларни ифодаловчи ғоялар ҳам охир-оқибатда бузғунчи ғояларга айланади. Бу каби ғояларда мақсадни белгилашдаги адашишлар, жамият олдида турган объектив вазифаларни, даврнинг мураккаб, зиддиятли талабларини чуқур англаб етмасдан, нотўғри

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- 10 б.

хулосалар қилишга, хато йўлни ва мақсадни танлаб, унга даъват этишга, оқибатда нотўғри амалий ҳатти-ҳаракатларга олиб келади.

Жамиятда мутаассиблик, бошбошдоқлик, хўжакўрсинчилик, маҳаллийчилик, зўровонлик каби носоғлом қарашлар мавжуд бўлса, бузғунчилик ғоялари бундай муҳитда тезгина илдиз отади. Бузғунчилик руҳидаги ғоялар бирор миллат ёки халқ учунгина эмас, бутун инсоният ҳаёти барқарорлиги учун бирдек хавфлидир. Диний ақидапарастлик ва экстремизм, халқаро терроризм, миллатчилик ва шовинизм бугунги кунда дунё ҳамжамияти учун бирдек хавфли бўлган бузғунчилик ғояларидир. Жамият эса бундай бузғунчилик ғоялари хавфига қарши соғлом ғоялар билан, яъни ғояга қарши ғоя билан курашиши мумкин.¹ Демак, жамият нафақат ўз мақсад ва муддаосига етишиш, балки барқарорлигини сақлаш, ҳимоя қилиш учун ҳам ўз ғоясига эга бўлиши лозим.

Ғоянинг қудрати ва таъсири, жумладан эмоционал таъсири инсон ва жамият учун шунчалик аҳамиятлидир-ки, баъзи ғоялар жамият идеалига айланади. Жамиятда самарали ва соғлом муҳит яратилиши учун ғоя, табиатан соғлом эҳтиёжни ифодалаши керак. Ғоя шундагина инсонни яратувчиликка ундайди.

Инсонпарварлик билан йўғрилган, тараққиётга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялар қачон, қайси мамлакатда туғилмасин, туб моҳиятига кўра умуминсонийлик касб этади. Шу сабабдан ҳақиқий бунёдкор ғоялар олдида кўйган мақсад ва конкрет вазифалари, ифода тили ва шакли бўйича миллий кўриниш олса-да, мазмун-моҳияти бўйича умуминсоний ғояларга яқин туради.

Ғоя жамиятнинг маънавий барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. У шундай муҳитни яратиш баробарида фуқароларни яқдил, юксак ижтимоий мўлжаллар теварагида яқинлаштириб, баъзан эса

¹Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-106.

чигал иқтисодий, сиёсий вазиятларни енгиб ўтишда таянч бўлади. Инсон туйғуларига улуғворлик бахш этган ғоя унинг руҳий камолотига хизмат қилиши шубҳасиз. Улуғ мақсад ва ватанпарварлик, юксак ахлоқийлик туйғусига эга инсонни маълум даражада маънан комил инсон десак, янглишмаймиз. Бу эса, албатта, ғоянинг инсон кадр-қимматини улуғлаш йўли билангина, уни буюк ишларга сафарбар этиши мумкинлигини англатади. Ислон Каримовнинг «Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак»¹, - деган фикри, нафақат маънавият, балки инсон билан боғлиқ барча соҳалар учун ҳам бирдек тааллуқлидир.

Жараёни янада кенгроқ миқёсда таҳлил қиладиган бўлсак, умуминсоний ғоянинг маънавий эътиқодга айланиши ва кенг тарқалиши кўплаб халқларни ягона муштарак мўлжаллар асосида бирлаштиради, инсоният тараққиётига хизмат қилади. Худди шундай умумиллий ғоя турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларни, турли ҳудудларда яшовчи аҳолини бирлаштиради.

Фикримизча, ғоянинг юксак маънавий эътиқодга айланишини таҳлил этиш, ғоя ва сиёсат масалаларининг муносабатига ҳам ойдинлик киритади. Маълумки, ғояни мавжуд сиёсатнинг хизматкори ёки муҳолифи деган қарашлар мавжуд. Бу эса кўпроқ сиёсий ғояларга тааллуқли. Ҳақиқатан, сиёсий ғоялар мавжуд тузумни мустаҳкамлашга ёки уни ислоҳ қилишга, ёки тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлади. Шу боис сиёсий ғоялар ўртасида баҳслар, ҳатто кескин тортишувлар, курашлар бўлиб туради. Аммо ғояларнинг фанга, табиий-илмий, фалсафий, бадий, ахлоқий ва шу каби инсон ижодий ва ижтимоий фаолиятининг бошқа соҳаларига тааллуқлилари ҳам бор. Шу боис ғояга фақат сиёсат нуқтаи-назаридан ёндашмаслик лозим. Бизнинг халқимиз яқин ўтмишда сохта мақсадларни зўравонларча сингдиришга уринган истибдод тузумини бошдан кечирди. Минбар ва шиорлардагина жозиба касб этиши мумкин бўлган қатор сафсатабоз

¹Ислон Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-29 б.

ғояларнинг сохта таъсирида яшаб кўрдик. Синфийликни байроқ қилиб олган, табиатан инсон интилишлари билан ҳисоблашмайдиган ғоя тақдири оқибатда қандай тугашини билиб олдик. Тарих сабоқларидан чиқарган хулосамиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 - моддасида ўз ифодасини топди: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».¹

Ғоянинг инсонга таъсири ҳақида сўз борар экан, унинг инсон қалбига, ботинига йўли масаласи юзага чиқади. Шарқ тафаккур оламида «ботин» деб аталган тушунча инсон иймони, эътиқоди, дунёқараши, ақли ва кўнгли билан боғлиқ. Муайян ғоянинг инсон иймони даражасига кўтарилишини «Авесто», «Таврот», «Қуръон», «Инжил» ва бошқа муқаддас китоблардаги таълимотлар мисолида кузатишимиз мумкин. Улардаги адолат, инсоф, эзгулик, ҳалоллик, эрк, меҳр-оқибат, илмпарварлик каби қатор гуманистик ғоялар ўз даврида улар тарғиб этган динга, таълимотга ишонган халқларнинг иймон-эътиқодига, ҳаётининг мезони ва олий мақсадига айланган. Улар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган, чунки умуминсоний қадриятлар пойдеворини ташкил этади. Бу ғоялар ўз даврининг мураккаб муаммоларига айнан инсон қалбига яқин бўлган оқилона ечим топа олган. Халқлар эса ўз оғзаки ижоди намуналари, атоқли адиблари асарлари билан бундай ғояларга ҳамиша замонавийлик бағишлаб келган. Шунингдек урф-одатлар, удумлар, байрамлар шаклида «моддийлашган» ғоялар ҳам оз эмас. Умуман, ўзида бирор аҳамиятли эзгу ғояни ифода этмаган ривоят, мақол, ўғит, байрам, маросим, тантана йўқ. Шунинг учун ҳам улар инсон учун қадри баланд, руҳлантирувчи, зарур хулосалар берувчи маънавий таянч ва кучга эга бўлган.

Инсоннинг юксак интилишларига монанд адабий ижоднинг турли шаклларида ўз ифодасини топган ғоягина аجدодлардан авлодларга маънавий мерос бўлиб ўтаверади. Адабиёт юксак образлилик орқали ғояларга ҳаётий вужуд, ҳиссий конкретлилик, таъсирчанлик бағишлайди, унинг янги

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-5 б.

қирраларини очади. Бу эса ғоянинг вақтинчалик ёки мавсумий ҳодиса эмаслиги тўғрисидаги фикрни туғдиради. Мазкур хулоса тўғрилигини ўтмиш ва бугунги куннинг буюк ижодкорлари, масалан, Алишер Навоий ижодини миллат фаҳрига айлантирган адолат ва халқпарварлик ғояси ёки давримизнинг буюк адиби Чингиз Айтматов ижодидаги инсонпарварлик ғоялари қанчалик таъсирчанлик қудрати касб этганлиги мисолида кузатишимиз мумкин. Инсон ва жамиятнинг ҳаётий манфаатларини ифодаладиган конкрет, илғор гуманистик, бунёдкорлик ғоялари асосида мазмунан умумлашган, ёки инсон ва жамият, халқ манфаатларини мужассам ифодаладиган миллий ғоя вужудга келади. Ҳақиқий миллий ғоя сунъий ўйлаб топилган тушунча бўлиши мумкин эмас, у тарихий зарурат, ижтимоий тараққиётга интилиш туфайли юзага келади. Халқнинг, жамиятнинг, миллатнинг юксак интилишларини, тарихий орзусини ўзида ифода этади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳатини назардан қочирмаслик керак: бу ғоявий бўшлиқ туфайли вужудга келган бугунги инсоннинг дунёқараши ва ижтимоий мўлжалларидаги баъзи кемтик ёки хато жиҳатлар. Бу ҳолатга реал ёндашилмас экан, барча тарбиявий ҳаракатларимиз натижасиз бўлиб қолиши, ёхуд биз кутган натижани бермаслиги мумкин. Сир эмаски, мустақилликнинг дастлабки йилларида мустабид тузумнинг қадриятлар тизими танқидий қайта баҳоланиши, вульгар атеистик сиёсатдан воз кечилиб, маданий меросга, Ватан тарихига муносабат тубдан ўзгариши жараёнида айрим масалаларда ўзига хос ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган эди. Чунки янги қадриятлар тизими бирданига тайёр ва етук ҳолда вужудга келмайди. Бу мураккаб жараён анча вақт талаб қилади ва маълум зиддиятларни бошдан кечиради. Натижада диний эътиқод, демократия ва инсон ҳуқуқлари масалаларида баъзи ички ва ташқи мухолиф кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларини кўзлаб сохта, бузғунчи ғоялар ёрдамида аҳолининг бир қисмини, айниқса тажрибасиз ёшларни чалғитишга уриндилар. Бундай ғояларнинг илдиз отишига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, халқни соғлом миллий ғоя

атрофида бирлаштириш долзарб вазифа сифатида юзага чикди. Миллий ғоя заруратининг муҳим томонларидан бири ҳам бузғунчи ғояларга қарши туриш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва миллий консолидацияни мустаҳкамлашдир. Ҳалигача фуқаролар тафаккурида тамоман ислоҳ этилмаган қарашлар ҳам йўқ эмас. Ўзини улуғвор мақсадлардан бегона тутиш, касб ғурурининг сўниқлиги, ижтимоий пассивлик, лоқайдлик, ўзида шахс сифатларини такомиллаштиришга бефарқлик, фикр тобелиги ва ҳоказо. Булар аслида қарамликка асосланган мафкуранинг қолдиқ иллатларидир. Жамиятдаги, аҳоли онгидаги қайси бир кемтик жиҳатни алоҳида олиб ўрганмайлик, ўша соҳадаги тарбия ва амалиётда кенг маънодаги бунёдкорлик етишмаслигининг гувоҳи бўламиз. Демак, миллий истиқлол ғояси миллатнинг халқ сифатидаги замонавий тафаккур тажрибасини ҳам юзага чиқаради, тобора теран мўлжалларга йўналтиради.

Миллий истиқлол ғоясининг жамият олдига қўяётган долзарб вазифалари «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобида белгилаб олинди. Бироқ, биз миллий истиқлол ғоясини қотиб қолган андоза деб, қабул қилмаслигимиз лозим.¹ Бу жараён мамлакат ривожланиш даражаси, имкониятлари ва талаблари билан узлуксиз такомиллашиб, бойиб боради. Айни пайтда, жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишлари ва соҳаларини эркинлаштириш ва манфаатлар уйғунлигига эришишга, онг ва шуурни тазйикдан, қулликдан қутилтиришга² улкан аҳамият берилиши бежиз эмас. Бу жамиятнинг янги сифат ҳолатига ўтиши том маънодаги тафаккур эркинлигига асосланишини англатади.

Миллий истиқлол ғоясининг ўзи ҳам, моҳиятан тараққиётнинг тадрижи ўлароқ, тафаккур эркинлигига эҳтиёж сифатида юзага чикди. Бунга кўп асрлик адабий меросимиз гувоҳлик беради. Айни пайтда, миллий

¹Ислом Каримов.Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: 2008.-72 б.

²Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Тошкент:1996.-34 б.

истиклол ғоясининг бунёдкорлик табиати ҳам тафаккур эркинлигини тақозо этади.

Миллий ғоя унсурлари ва тадрижий ривожланиши акс этган адабий меросимиз ниҳоятда бой, тарихи жуда узоқ, камида уч минг йилни қамраб олади. Табиийки, унинг барча даврларини, ҳатто энг муҳим ҳодисаларини (асарларини) ўрганиш бир диссертация доирасида имконсиздир. Шу сабабдан адабий мероснинг тадқиқотга жалб этиладиган ҳодисаларини танлаш мезонлари муаммоси ўртага чиқади. Биз диссертацияда қадимги ижтимоий-фалсафий, адабий ёдгорлик сифатида “Авесто”ни, ўзбек халқ оғзаки ижодидан қаҳрамонлик эпослари – “Алпомиш”, “Тўрғли”, “Рустамхон” достонларини, халқ мақолларини, умумтуркий ёдгорликлардан баъзи битиктошларни танладик. Қаҳрамонлик эпослари яратилган даврда қабила-уруғчилик муносабатлари кучли, ташқи ва ички бўлиниш хавфи эҳтимоли юқори эди. Шу сабабдан қаҳрамонлик эпослари ва битиктошлар мустақилликни сақлаб қолиш, ёки қайта қўлга киритиш, уруғ-қабилалар ўртасида жисликни таъминлаш каби масалаларни ёритмасликлари мумкин эмас эди. Айнан шундай ғояларни акс эттириш халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт асарларини танлашда мезон бўлди.

Мўғил истилоси туфайли жуда вайрон бўлган, маданияти, илм-фани, санъати ва адабиёти улкан йўқотишларни бошидан кечирган, халқнинг руҳияти ва ижодкорлигига анча путур етган мамлакатимиз Амир Темур бошчилигида ўз мустақиллигини қўлга олди ва яна буюк яратувчиликни бошлаб юборди. Бу давр илмий адабиётларда кўпинча Марказий Осиё ва Ўрта Шарқнинг иккинчи уйғониш даври дейилади (биринчиси - IX-XII асрларда кечган). Темур ва темурийлар даврида Гадоий, Саккокий, Дурбек, Лутфий, Навоий, Бобур каби атоқли ва даҳо адиблар ижод қилдилар, янги мумтоз ўзбек адабиёти шаклланди. Улар ижодини тўлиқ таҳлил қилиш бизнинг тадқиқот доирасига сиғмаганлиги боис, мазкур даврдан фақат Алишер Навоий ижоди намуналарини ўргандик.

ХҲІ асрнинг ўрталаридан Моворауннаҳр ва Хуросонда ислом шарқининг бошқа минтақаларидаги каби, турғун анъанавий жамият унсурлари устунлик қила бошлади. Натижада ижтимоий тараққиётни тарғиб этувчи илғор ғояларнинг адабиётда акс этиши ҳам сусая бошлади. Адабиётдаги энг кучли, жозибали ғоялар энди кўпроқ инсон ботиний олами такомиллашувига қаратилган эди. Масалан, истеъдодлари буюк бўлган Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо ижодида биз шундай ҳолни кузатамиз.

Фақат инсон комиллиги ва ҳақ васлига етишиш йўлидаги фидойилиги, ўзидан, ўзлигидан кечишғояси миллий ғоянинг умумий тадрижи учун камлик қилади, фақат унинг бир томони - комил инсон тарбиясига маълум даражадагина хизмат қилиши мумкин. Лекин бу жиҳатни ҳам ортиқча баҳолаб бўлмайди. Зеро, комил инсон фақат эътиқодий ва ахлоқий фазилатлар соҳибигина эмас, энг аввало у Фарҳод каби ижодкор, яратувчи, одамлар турмушини, жамиятни яхшилашга бутун орзу-интилишлари ва куч-ғайратини қаратган инсондир.

Маълумки, ХҲІ асрнинг ўрталаридан деярли XIX асрнинг охирларигача мамлакатимизда аста-секин ижтимоий тараққиёт ижтимоий қоқоқлик билан алмашди, ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмидан миллий мустақиллигимизни йўқотдик. Оқибатда халқимизнинг катта қисми мустамлакачилик, Бухоро Амирлиги ҳудудида яшайдиган қисми яриммустамлакачилик исканжасига (Бухоро Амирлиги чор Россиясининг протекторатига айлантирилган эди) тушиб қолди. Воқеалар ривожининг бундай тус олиши халқнинг илғор адибларининг ўз зиммаларидаги ижодий вазибаларини, бурчларини қайта кўриб чиқишга, асарларини халқни қайта уйғотишга, маърифатга, истиқлолга эришишга руҳлантириш билан боғлашга ундади. Улар миллий тарихимизда жаид маърифатпарварлари номи билан машҳур бўлдилар.

Жаидлар ижоди халқимиз тарихидаги муҳим бурилиш, ўзлигини англаб миллат сифатида шаклланиши бошланган даврга тўғри келади. Шу

сабабдан ҳақли равишда жаид адабиёти эндиликда илмий жамоатчилик томонидан Миллий уйғониш даври адабиёти деб ҳам аталади.

Шўролар тузуми ҳокимият тепасида маҳкам ўрнашиб олгач, жаидларни ва бошқа илғор фикрли зиёлиларни қатағон қилди. Жаид адабиёти ғоялари тақиқланди, унутишга маҳкум этилди.

Диссертация мавзусини ўрганишнинг яна бир концептуал-услубий мауммоси шундан иборатки, у фалсафа фанлари турли йўналишларининг тадқиқот объекти бўлиши мумкин: мазкур мавзу ижтимоий фалсафа, фалсафа тарихи, диалектика ва билиш назарияси йўналишлари, эстетика ва этика фанлари доирасида ўрганилиши мумкин. Ушбу мавзу шунингдек, сиёсатшунослик, филология, психология, педагогика, тарих ва бошқа фанларга ҳам бегона эмас. Табиийки, ҳар бир фан ва йўналиш уни ўз предметидан, категориялари ва қонуниятлари талабларидан келиб чиқиб тадқиқ этади. Биз танлаган мавзу ижтимоий фалсафа йўналишида ўрганилди. Миллий ғоямизнинг у ёки бу маънавий илдизининг вужудга келиши, ривожланиш тарихи, қонуниятлари, бу қонуниятларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланишининг умумий қонуниятлари билан турли даврлардаги алоқадорлиги, конкрет боғланиши аспектида, яъни мавзу фалсафа тарихи аспектида махсус ўрганилган эмас. Ушбу масалаларнинг айрим жиҳатларига ижтимоий фалсафа йўналишида мавзуни очиб бериш зарурати талаб қиладиган даражадагина мурожаат этилди.

Юқоридаги фикр мулоҳазалар асосида биринчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. И.А.Каримов мустақиллик шароитида миллий истиқлол ғояси масаласини кун тартибига қўйган, унинг моҳиятини, мазмунини, асосий таркибий тузилмасини (тамойиллари ва тушунчалари), ривожланиш қонуниятларини очиб берган, таҳлил этган илк мутафаккирдир.

2. И.А.Каримов миллий истиқлол ғояси масаласини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётни, халқ онгини, тафаккурини

юксалтириш, айниқса баркамол авлодни тарбиялаш масаласи билан чамбарчас боғлаган ҳолда тадқиқ қилади.

3. Миллий истиқлол ғояси халқнинг асрий орзу-интилишлари, олий мақсадини ифодаловчи ғоя сифатида жамиятни, барча ижтимоий қатлам ва гуруҳларни бирлаштиради, аммо у давлат мақомига эга эмас. У қуриладиган янги жамиятнинг, шакллантирилаётган янги инсоннинг моҳиятини очиб беради.

4. Миллий ғояни давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирувчи омил сифатида кўради. Унинг теран, илмий ва адолатли талқинидаги миллий истиқлол ғояси миллатчилик ва миллий маҳдудликдан мутлақо йироқ тушунча, у умуминсоний қадриятларга қарши қўйилмайди, аксинча, инсониятнинг барча ижобий ютуқларига ва янгиликларга очиқ.

5. Ҳар қандай ғоя миллий ғоя таркибига киравермайди. Бузғунчилик руҳидаги барча ғоялар, шунингдек инсонни, бошқа бирор халқни камситадиган миллатчилик руҳидаги, ёки тараққийпарварликка ва бошқа юксак идеалларга мос келмайдиган, жумладан консерватив ва кескин радикал ғоялар ҳам миллий ғоя таркибига кирмайди.

Инсон ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ифодаладиган илғор, бунёдкорлик ғояларини мазмунан умумлаштириб миллий ғоя вужудга келади.

II БОБ - МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ВА ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

2.1. «Авесто», Халқ оғзаки ижоди ва илк ёзма ёдгорликларда миллий ғоя маънавий илдизларининг дастлабки кўринишлари

Президент Ислом Каримов асарларида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида мустақил Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўлидаги бош ҳамда асосий ғоялар белгилаб берилган. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш» бош ғояси ўз навбатида бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ асосий ғоялар: «юрт тинчлиги», «ватан равнақи», «халқ фаровонлиги», «комил инсон», «ижтимоий ҳамкорлик», «миллатлараро тотувлик», «диний бағрикенглик» каби асосий тушунчалар ёрдамида ўз мазмунини очади. Бинобарин, уларнинг ҳаётимиздан янада мустаҳкам ўрин олишини тақозо этади. Айни пайтда, мазкур ғоя ва тушунчалар ҳар бир халқ ва миллат тақдирида ўз маънавий илдизларига ва тадрижига эга.

Фалсафий меросда ифодаланган миллий ғоямизнинг маънавий илдизларини шартли равишда қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- миллий жипсликка, бирликка, ҳамжиҳатликка ундовчи ғоялар;
- огоҳликка, тинч-тотувликка, ички барқарорликка ундовчи ғоялар;
- ватанпарварликка, эл-юрт учун фидойиликка чорловчи ғоялар;
- юрт, эл-улус манфаатларини шахсий ва гуруҳий манфаатлардан устун қўйишга ундовчи ғоялар;
- тинч-тотувликка, тараққиётга, бунёдкорликка, касб-ҳунар эгаллашга чорловчи ғоялар;
- ахлоқий комилликка, етукликка, халқ фаровонлиги йўлида фидойиликка ундовчи ғоялар.

Миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари, шаклланиш жараёнлари тадқиқ этилганда, у миллий адабиёт, санъат, маънавий ҳаётнинг тараққий этиш босқичларига боғлаб ўрганилади. Бунда бош ва умумлаштирувчи мезон сифатида халқ олдида давр қўйган вазифаларнинг нечоғлик идрок қилиниши, англаниши ва адо этилиши олиниси мумкин. Илмий ва адабий манбаларга мурожаат қилар эканмиз, миллий жипслик, миллий мустақиллик, миллий ўзликни англаш тушунчаларининг мазмуни қанчалик чуқурлаша ва кенгая борганини кузатамиз.

Улкан ижтимоий ва маънавий қимматга эга бу тушунчаларнинг тадрижий ривожланиши уларнинг муҳим умуминсоний мазмунга эга бўлиши билан ҳам боғлиқ. Моҳиятан ниҳоятда зарур бу умуминсоний мазмун инсонпарварлик ва тараққийпарварлик ғоялари бўлиб, улар ҳар бир халқнинг дунёқараши, қадриятлар тизими ривожланиши учун зарурдир. Шундай ғоялар билан йўғрилган асарлар яратилган даврни ва уларнинг муаллифларини узоқ тарихий масофалар ажратиб турсада, ўз халқлари олдидаги ижтимоий вазифаларни ҳал этишга интилиш ва шунга даъват қилишдек мақсадлар уларни бирлаштириб туради. Вазифаларни ҳал этиш шакллари, кўлами, конкрет мазмуни ўзгариб бориши мумкин, аммо ижтимоий мақсади, умумий моҳияти доимо ўхшашдир. Миллий ғоянинг маънавий илдизларини тадқиқ этиш маънавий меросдаги муштарак мақсад ва маънони, ворисийликни теран англаш имконини беради.

Биз ота-боболари тарихда муносиб из қолдирган, буюк кашфиётлар яратган халқмиз. Илм ва ижод «Авесто»¹ давридаёқ умуминсоний мазмун касб этган, инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бугунги дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди. Академик С.Ф.Ольденбургнинг фикрига таянадиган бўлсак, «Заростризм инсоннинг ер юзидаги ҳаётини

¹Авесто. -Тошкент: Шарк, 2001.

енгиллаштиришга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона дин».¹ Унда беҳуда қон тўқувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумлари қораланиб, одамлар осойишта ҳаёт кечирishi, меҳнатга даъват қилинган. Умуманмоддий ҳаётни яхшилашга уриниш ёвузликка қарши кураш деб ҳисобланган, хайрли иш турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун қўйилган. Бунёдкор инсон илоҳиёт раҳматига учрайди дейилган ва инсонга ҳаёт берган она табиат муқаддаслаштирилган.

«Авесто»да ахлоқий меъёрлар, қадриятларни ифодалашда эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасида доимий қарама-қарши кураш мавжудлиги таъкидланади. Эзгулик ибтидоси, асосчиси, яратувчиси Ахура Мазда, ёвузлик ибтидоси ва яратувчиси Аҳриман ўртасидаги кураш натижаси инсоннинг онгли равишда эзгулик тарафида турмоғига боғлиқ. “Ибтидода бу икки туғишган – ҳамзодлар андиша, калом ва амалда бири – эзгулик, бири – ёмонлик ўзаро суҳбат қурдилар. Бу иккидан бири, яъни эзгуликни ундан огоҳлар, ёмонликни эса ноогоҳлар танладилар”.² “Авесто” мазмунини ташкил этувчи барча ташвиқот ёки даъватлар эзгулик йўлини танлашга йўналтирилган. Инсонда эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал муштарак, чамбарчас ва яхлит бўлмоғи лозим. Шундагина эзгулик ёвузликдан устун келади, деган бунёдкорликка асосланган «Авесто» бош ғояси маънавиятимизнинг илк сарчашмаларидан биридир.

Энг қадим замонларда асотирлар, ривоятлар, қаҳрамонлик достонлари, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида миллий эрк ва ватан ҳимояси учун жонни аямаслик, ўзаро бирлик, жипслик ғоялари энг муҳим қадрият сифатида ифодаланган. Шунинг учун ҳам «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон», «Кунтуғмиш» эпик достонлари, Тўмарис, Муқанна, Широқ ҳақидаги ривоятлар, адабий меросимизнинг бошқа намуналарида маънавий қадриятларимизнинг бирламчи фундаментал асослари акс этган. Уларни

¹Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 23 б.

²Авесто.-Тошкент: Шарқ, 2001.-10 б.

бугунги мустақиллик ғояларининг қадим илдизлари деб дадил айтиш мумкин. Мазкур манбаларда ота-боболаримизнинг энг улуғ орзу ва мақсадлари, ишонч ва умидлари муҳрланиб қолган. Биз, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга бел боғлаганимизда, авваламбор, аجدодларнинг маънавий меросига таянамиз. Зотан, халқнинг маънавий меросида машъаладек порлаб турган ғоялар биз шундай эрксевар, матонатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқнинг давомчи ворисларимиз деган ишончни мустаҳкамлайди. Ўз мустақиллигини қадам-бақадам юксалтириб бораётган халқимизнинг маънавий қиёфасини қайта гавдалантириш имконини беради. Буюк маданий, адабий меросга эга халқнинг келажаги озод ва фаровон бўлмоғи зарур деган рағбатни кучайтиради.

Халқ орзу-интилишлари, ижтимоий ва маънавий идеалларини акс эттиришда қадимийлиги, ижтимоий-ғоявий аҳамияти, кенг тарқалиши, таъсирчанлиги жиҳатидан оғзаки ижод намуналари алоҳида ажралиб туради. Бу мифологияга ҳам, эртак ва дostonларга ҳам, мақол ва нақлларга ҳам хос. Албатта, халқ оғзаки ижоди жанрларининг маънавий қадриятларни ифодалаш ва акс эттириш имкониятлари бир хил эмас. Лирик жанрларда (қўшиқ, лапар ва ҳоказо) кўпроқ эстетик ва баъзи бир ахлоқий қадриятлар ўз аксини топган бўлса, қаҳрамонлик эпосларида ўз замонаси қадриятларининг бутун ранг-баранглиги қамраб олинади. Чунки қаҳрамонлик эпосида эстетик қарашлар билан бир қаторда ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ҳарбий, этник, маиший ва бошқа турли муносабатлар, қарашлар, баҳолар, мезонлар нисбатан кенг ва батафсил ифодаланиши мумкин.

Қаҳрамонлик эпослари вужудга келиши маълум тарихий даврда уруғ ва қабилаларнинг бирлашиб элатларга айланиши жараёнида ўзлигини, ўз манфаатларини англаш даражаси ўсиши ва умумий ёвга қарши курашда бирлашиши билан боғлиқ. Шу боис миллий истиқлол ғоясининг қадим маънавий илдизларини энг аввало ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпосларидан излаш лозим. Шунингдек, қисқа мужассам образли шаклда халқ мақоллари

ва афоризмларида ифодаланади: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Тўртовлон тугал бўлиб, ўнмаганни ўндирар, ўновлон тарқоқ бўлиб, оғзидагин олдирар», «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл», «Ботир бир марта ўлади, кўрқоқ ҳар куни ўлади», «Тукқан ерда туғинг тик», «Ватаннинг вайронаси - умрнинг ғамхонаси», «Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара», «Айрон ош бўлмас, нодон - бош», «Ёв макрини ёлғон яширар», «Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма», «Ақлли ақллига йўлдош, ёмон ёмонга кўлдош», «Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас, оға-ини тотув бўлса, хўрлик етмас», «Қалъа ичидан олинар»¹ каби мақолларни эслаш мумкин. Улар ҳақида «Девону луғотит турк» асари муносабати билан яна тўхталамиз.

Халқимизнинг маънавий ёдгорлиги бўлмиш дostonларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг туркумларга ва турли вариантларга эга бўлишидadir. Бунинг объектив сабабларидан бири, албатта, халқ дostonларининг кўпчилик жамоа орасида бахшилар томонидан асрлар давомида куйланиши, уларнинг ўз даври ва тингловчилари (халқи) талабларини, эҳтиёжларини тўларoқ акс эттиришга уриниши, жамият ва халқнинг долзарб талаблари билан боғлиқдир. Айни шу жиҳат аждодлар маънавий меросини бирлаштириб турувчи даъватлар, идеаллар, орзу-ниятларда ягона мантикий йўналишни тақозо этарди.

Ёв устидан ғалаба қозониб, хавфни бартараф этувчи, золимлар жазосини берувчи, халқни бирлаштириб адолат ўрнатувчи, чўлларни обод қилувчи қаҳрамон, фаровон ҳаёт, обод юрт, озодлик, тенглик, адолат, мардлик, оқибатлилик, элпарварлик, жасорат тимсоли бўлган дoston қаҳрамонлари не-не истилочи мустамлакачилар зулмини енгишда, ўзликни сақлаб қолишда маънавий-руҳий мадад бўлиб келган. Қанчадан-қанча аждодлар учун маънавий идеал вазифасини ўтаган.

¹Ўзбек халқ мақоллари.-Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1989.

«Гўрўғли» достонида Гўрўғли от танлаш ёки зот танлаш дилеммасига дуч келади. Агар от танласа, юртни босқинчилардан (Райхонарабдан) озод қилиш имконига эга бўлади, аммо фарзанд кўрмайди, зоти Гўрўғлининг ўзида тугайди. Агар зот танласа, ақлли, жасур фарзандлар кўради, авлодлари машҳур кишилар бўлиб етишади. Аммо юрти, халқи қарамликда хўрланиб яшайди.

Ёв отлари маҳаллий отларга нисбатан чопқир, чўл-сахрога чидамли эди. Истилочиларни енгиш учун уларникидан қолишмайдиган чопқир ва чидамли отлар зарур эди. Эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган Гўрўғли ҳеч иккиланмасдан отни танлайди. Гўрўғлининг онгли, эркин танлови, мардлиги, иродаси, юрт озодлиги учун курашга ўзини тўлиқ бағишлаши бугунги кунда ҳам юксак маънавий жасорат сифатида қадрлидир. Уни шубҳасиз, миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизларидан биридир дейишга ҳақлимиз.

Ўзбек халқи орасида қадимги даврлардаёқ кенг тарқалган достонлардан бири «Алпомиш»дир. Илмий манбаларда мазкур достоннинг 100 дан ортиқ вариантлари борлиги қайд этилган. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида «Алпомиш» достонининг тарих ва бугунги кун учун аҳамиятини очиб берди: «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини

қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади».¹

«Алпомиш» достонининг ғояси биринчи галда миллий жипслик, ғоявий бағрикенглик, ор-номус, миллий ғурур сабоғидир. Икки ака-уканинг келишмай қолиши халқни бўлиб юборди. «Бўлинганни бўри ер» деганларидек, ўзга юртда мусофирлик халқни қанчадан-қанча хўрлик ва азоб-уқубатларга дучор қилди. Бунинг биринчи сабаби Бойбўри ва Бойсариди мурсаю мадора, ўзга фикрга нисбатан бағрикенглик етишмаганидир. Миллий жипслик, мурсаю мадора, ўзаро бағрикенглик, ўз рискнинг ва бахтингни бегона юртлардан излаш хато эканлиги сабоқлари бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмаган.

Миллий истиқлол ғоясини озиқлантирувчи қудратли маънавий манбалар қаторида қаҳрамонлик эпослари ғоятда муҳим ўрин эгаллаши юқорида келтирилган мисоллардан ҳам ойдинлашади.

Эътироф этиш жоизки, биз учун миллий истиқлол ғояси жамият янгилигини ўзида мужассамлаштирган тушунчадир. Янгилиниш учун эса аввало шундай саволга жавоб бermoғимиз лозим: биз миллат сифатида киммиз, нималарга қодир бўлганмиз, нимани тиклашимиз ва яна нималарни янгитдан барпо этmoғимиз керак? Миллий иродамиз ва тафаккуримиз маънавий меросимизнинг қайси жиҳатларига таяниши, қайси булоқлардан баҳраманд бўлиши мумкин? Ушбу масалаларда мавҳумликка, бир ёқлама хулосаларга таяниб бўлмайди. Хусусан, аجدодлар меросига муносабатда ҳолисона нуқтаиназарга эга бўлиш, яъни улар ютуқлари-ю камчиликларидан тўғри сабоқ ола билишимиз керак. Маданий мерос тараққийпарвар ва умуминсоний ғояларга қанчалик бой бўлмасин, бугунги кунда уларнинг амалий аҳамиятга эга бўлиши аجدодлар зиммасида эмас, балки ҳар бир даврда яшайдиган авлод зиммасидадир. Умуман бугунги кун ва замон янгиликларига ҳам, аждодларимиз меросига ҳам ҳолисона ёндашмас

¹Ислом Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008. - 32 б.

эканмиз, бу ҳол бинога нотўғри қўйилган ғишт каби унинг ҳуснини бузиб туриши, ҳатто деворнинг бир томонини жиддий хавф остида қолдириши мумкин.

Миллий истиқлол мафкураси асосий ғояларидан ҳисобланган «ватан равнақи», «юрт тинчлиги», «халқ фаровонлиги» тушунчаларининг Ўрхун ёдномаларидаги тарихий илдизлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, эътироф этиш керакки, ёдномалар маълум шахслар хотирасига бағишланган бўлсада, матнлар муаллифлари ўз қаҳрамонларининг асосий фикр ва изтиробларини эл, халқ, юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ифодалаганлар.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўрхун битигтошлари юрт хоқонлари шарафига ўрнатилган. Ёдномаларда тасвирланган хоқонларнинг асосий фикр ва изтироблари Ватан ва халқ тақдири билан чамбарчас боғланади. Улар ўзларининг бачкана ва жўн истакларини ватан манфаатларидан устун қўядиган, нафси ҳавога берилган ҳукмдорлар эмас. Эл тинчлиги, бирлиги, озодлиги, фаровонлиги йўлида фидойилик мамлакат хоқонларининг шахс сифатидаги қиёфасини очиб берадиган етакчи ижтимоий ғоялардир. Мамлакатнинг гуллаб яшнаши, халқнинг жипслиги хоқоннинг билим ва заковатига ҳам боғлиқ. Жоҳиллик, билимсизлик билан бошқарилган мамлакат халқи охири қул бўлади, ўзлигини тамоман унутади, деб қарашган аجدодларимиз. Шунинг учун ҳам битигтошларда:

- ҳар қандай ёвузликка барҳам бериш;
- халқни пароканда бўлиб кетишдан сақлаб қолиш;
- мамлакатни бирлаштириш;
- ватан мустақиллигини қўлдан бермаслик;
- турк халқи ватани абадий бўлиб қолиши учун курашда жонни аямаслик;

- мустақил мамлакатни адолатли қонун-қоида билан тутиш каби муҳим ижтимоий ғоялар акс эттирилган ва авлодларга васият қилинган. Эл ва «будун» тақдиридан доимий хавотирда бўлиш битигтош қаҳрамонларининг

барчаси учун хосдир. «Турк халқи йўқ бўлмасин, халқ бўлсин» даъвати ҳар бир хоқон томонидан зикр этилади. «Мол йилқилик халққа хоқон бўлиб ўрнашмадим. Ичи ошсиз, таши кийимсиз, оч-ёлонғоч халқ узра ўрнашдим. Иним Култегин билан маслаҳатлашдик:отамиз, амакимиз қозонган халқнинг оти, донғи йўқ бўлмасин, деб тунлари ухламадим, кундузи ўтирмадим. Иним Култегин икки шад билан ўла-йита муваффақият қозондим. Шу хилда қозониб бирлашган халқни ўт-сув қилмадим» («Култегин» битигтоши). Билга(доно) хоқоннинг халқ тақдиридан бу каби буюк хавотирлари, даъватлари эл-юрт равнақи учун кеча-ю кундуз тиним билмай, куч-ғайратини аямаслиги бугун мустақиллик ғояларига, бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қанчалик ҳамоҳанг. Биз уларни тўла асос билан бугунги Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси асосий ғоялари занжиридаги «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Ватан равнақи» ғояларининг маънавий илдизларидан биридир деб айта оламиз. Айни пайтда мазкур ғоялар халқнинг ўтмиши ва бугунини туташтирувчи маънавий кўприк сифатида намоён бўлмоқда.

Парокандалик, вилоят ҳокимларининг манфаатпарастлиги, хоқонликнинг парчаланиши халқнинг орзуларини амалга оширишга йўл бермас эди. 630-йилдан 682-йилгача Шарқий турк хоқонлиги Тан империясига қарам бўлиб яшади. Н.Я.Бичуриннинг ёзишича: «Қабилалар ўртасида муттасил кураш турк хоқонлигини ҳолдан тойдирди. Иқтисодий таназзулга юз тутта бошлаган мамлакатда одамлар нон ўрнига суякни қириб истеъмол қила бошлаганлар».¹ Қарамликнинг шундай аянчли сабоқлари ягона мақсад теварагида бирлашиш ва ҳамжиҳатликнинг, эрк ва мустақилликнинг қанчалик муҳим эканлигини, уни асраш қанчалик зарурлигини англатмаслиги мумкин эмас эди. Битигтошлар шу каби тарихий ҳақиқат маҳсули ўлароқ, халқнинг халқ, миллатнинг миллат сифатидаги улуғ

¹Н.Я.Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л.,1950.Т.2, -204с.

маънавий ижтимоий бурчи нимадан иборатлигидан сабоқ берувчи маънавий меросдир. Қуйидаги сатрлар ҳам ватан ва халқ қарамлигининг аянчли оқибатлари хусусида надоматлар билан битилган: «Эй, турк халқи, турк-ўғуз беклари эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? Ўкун кўргулигинг учун, тарбия қилган доно ҳоқонинга, емирилган, қўлдан кетган эзгу давлатинга. Ўзинг адашдинг, орага ёмонлик киргиздинг. Қуроли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди? Муқаддас Ўтукан йишга бординг, ғарбга боргунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг кул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди» («Култегин» битигтоши). Демак, Ватани қарам инсон ва халқ ниҳоясиз хўрлик ва ҳақоратларга маҳкумдир. Шунинг учун ҳам боболаримиз эрк ва мустақилликни жондан афзал билиб бу каби мусибатлардан ўз авлодларини огоҳ этиб, қалб даъватларини тошларда битиб қолдирганлар. Эрк ва мустақиллик даъвати шунчаки эсдалик учун битилмаганидек, у шунчаки лоқайд ўқилмайди. Боболаримиз топиб таъкидлаганларидек, мустақиллик ва озодлик биз учун ҳам ҳақиқат йўлидир, бу йўлнинг бошида ота-боболаримизнинг сабоқ ва даъватлари бор, бир учида эса биз турибмиз.

Хулоса қиладиган бўлсак, халқ оғзаки ижодида, қаҳрамонлик эпосларида, ёдномаларнинг деярли ҳар бир сатрида ватанпарвар боболаримизнинг ижтимоий тажрибаси, ҳаёт сабоқлари, авлодларга ўғитлари, даъватлари акс этган. Уларда мардлик ва фидойилик, дўстлик, муҳаббат ва садоқат, ҳақиқат ва адолат, ҳар қандай ҳолатда ҳам бурчига, имон-эътиқодига, Ватанига хиёнат қилмаслик, кучсизларни ҳимоя қилиш, ўз қавми, халқи манфаатлари, хавфсизлиги ва тинчлиги, жипслиги ва юксалиши учун хизмат қилиш, зарур бўлса, заҳмат чекиб, жонини ҳам аямаслик ғоялари олға сурилади.

2.2. Миллий ғоя ривожланишида Алишер Навоий ижодининг фалсафий аҳамияти

Алоҳида эътироф этиш керакки, «Навоийгача чигатой-туркий тилдаги адабиёт гўзал ва нозик ҳис-туйғуларни, лирик ҳиссиётни ифодалашда (Саккокий, Лутфий), ёхуд воқеаларни лирик-эпик тасвирлашда (халк бахшилари, Дурбек) анча ютуқларга эришган, юксак маҳоратга кўтарилган бўлса-да, оламшумул бадий-фалсафий қомусийлик (яъни ўз давридаги фалсафий-ахлоқий, эстетик, диний-руҳоний, дунёвий-маънавий оморлар мужассамлиги) аҳамиятини касб этмаган эди. Фақат А.Навоий ижодида биз шундай қомусийликни кўрамиз»¹.

Ватанимиз ва халқимиз тарихини, маънавий меросини, умуман миллий тараққиётни Навоий даврисиз ва Навоий таълимотисиз тасаввур этиб бўлмайди. «Шоир ўз фаолияти ва ижодида, биринчидан, чигатой-туркий (эски ўзбек) миллий онги ва миллий ғояси шаклланишига хизмат қилган. Яъни энг аввало ўзининг бадий ижодида, ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий (мактаблар, мадрасалар қуриш, санъаткорларга, олимларга, адибларга, уламоларга ҳомийлик қилиш) фаолиятида, туркий тилда (эски ўзбек) ижод қилишни алоҳида рағбатлантиришда ва бошқа барча масалаларда янги шаклланаётган элат, унинг адабий тили ва давлатчилиги манфаатларидан келиб чиқиб иш тутган. Иккинчидан, эски ўзбек адабий тили меъёрлари ва мезонлари тартибга келтирилишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Учинчидан, миллий-бадий тафаккурни жаҳон бадий тафаккурининг энг юксак чўққиларига кўтара олган».² Навоий яшаган даврда мамлакат ва янги элат равнақ топиши учун юзага келган талаблар кучайиб борган ва уларга ўзига хос ғоявий-бадий жавоб бериш Навоий маънавий меросида муҳим

¹Абдурахим Эркаев.Миллий ғоя ва маънавият. -Тошкент: Маънавият, 2002.-163 б.

²Ўша асар. -163 б.

ўрин тутди. Айнан миллий тараққиёт олдида давр қўйгин вазифаларни чуқур идрок этиш ва уни амалга оширишга даъват қилиш Навоий меросини таълимот деб аташ учун имкон беради. «Унинг асарларида ўзбек халқининг равнақини ўйлаш, темурийлар давлати бардавомлиги, юрт осойишталигига эришиш йўл-йўриқлари, миллатни тарбиялашнинг мукаммал тизими, инсонийлик, комил ахлоқнинг ўша даврга хос ҳам маънавий-таъбий (эстетик), ҳам илмий-ҳаётий талқинларини кўрамиз».¹ Ҳақиқатан, Алишер Навоий юқорида қайд этилган масалаларнинг барчаси ҳақида ўз асарларида мулоҳаза юритади.

Мамлакатнинг бўлиниб кетиши, тож-тахт талашишлар, амир ва хонлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг ўсиб бориш хавфи миллий муштаракликка ҳалақит берар, бу жараёни ортга тортар эди. Шунинг учун қандай қилиб бўлмасин, мамлакатдаги парокандаликнинг, бўлиниб кетиш хавфининг олдини олиш, миллий жипсликни таъминлаш муҳим эди.

Миллий жипсликни таъминловчи омиллар А.Навоий яшаган даврда нималардан иборат бўлган, деган ўринли савол туғилади. Тож-тахт учун курашлар кучайиб, айирмачилик хавфи ортиб бораётган шароитда Навоий асарларида илгари сурилган марказлашган ягона давлат ва унинг адолатли подшоҳи, халқнинг маъмурлиги, иқтисодиётнинг ўсиши - деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожланиши, тил бирлигига эришиш (адабий тил), маънавий-мафкуравий бирлик ғоялари миллий жипсликни таъминловчи муҳим омиллар эди.

Навоий энг кўп мурожаат этган марказлашган ягона давлат ва унинг адолатли подшоҳи ғояси миллий жипсликни таъминлаш учун ўша даврда етакчи омиллардан эди. Қудратли ва адолатли шоҳ ғояси давлат, мамлакат ва албатта, ҳунармандчилик, зироатчилик, ободончилик, илм-фан, маданиятни юксалтириш, турмуш фаровонлигини ўстириш, фуқаролик муносабатларини муштараклаштириш эҳтиёжларини мужассам қамраб олиши билан

¹Султонмурод Олим. Янги аср таълимоти. –Тошкент: Тафаккур, 2001. 1-сон, -9 б.

аҳамиятлидир. Навоийнинг одил шоҳ ғоясида мамлакат аҳлининг эркин ва фаровон турмушини таъминлашни давлат бошқарувининг асосий вазифасига айлантириш мақсади ўз ифодасини топган:

«Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.

Раиятқа сендин етиб шодлик,
Мамоликка юз қўйса ободлиғ» (Садди Искандарий).¹

Мамлакатни адолат билан бошқаришни салтанатнинг мустаҳкамлигини белгиловчи омил сифатида талқин этар экан, Навоий давлатнинг иқтисодий юксалишига муҳим эътибор қаратган. Бу эса одил шоҳ ғоясида Навоий яшаган давр ва миллий тараққиётнинг муҳим зарурати ифодаланганини тасдиқлайди. Иқтисодий юксалиш, халқ фаровонлиги ва адолатли бошқарув бугунги замонавий тараққиёт учун ҳам салмоқли аҳамиятга эга. Бу миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади ва вазифаларида мухтасар ифодасини топган.

Алишер Навоий яшаган даврдаги сиёсий ҳаёт марказлашган ягона давлатни қўлдан бермасликни, аксинча, уни мустаҳкамлашни, бу зарур чораларнинг давлат ва халқ тақдири учун нечоғлик долзарблигини очиқ-ойдин кўрсатмоқда эди. 150 йил ҳукм сурган муғулларга сиёсий қарамлик, юртдаги бош-бошдоқликлар иқтисодий ва маданий қолоқликка сабаб бўлгани, Темурнинг ҳокимиятга келиши билан мамлакатдаги сиёсий парокандалик ва ички низоларга чек қўйилиши натижасида эришилган юксалиш, ободончилик, юрт равнақи билан боғлиқ тарихий муваффақиятлар муҳим сабоқ ва тажриба ҳам эди.

Темур ўз вафотидан олдин олий тахтнинг расмий ворисини тайинлаган, аммо унинг дунёдан ўтганлиги ҳақидаги хабар салтанатда тарқаши билан бу васиятга амал қилиш ўрнига ҳар бир темурий шахзода

¹Алишер Навоий. Садди Искандарий-Тошкент: Фан, 1991.-177 б.

тахтга ўтириш иштиёқи билан тож талашишга берилиб кетди. Мамлакат ва халқ тақдири таҳликали кеча бошлади. Бундай ҳолат Улуғбек ва Шохрух вафотидан кейин ҳам тез-тез такрорланиб турди.

Мамлакатдаги ички парокандалик, бўлиниб кетиш ҳолатлари ташқи хавф ва таҳдид учун қулай имконият яратиб берар, миллий жипслик ва мамлакат тақдири жиддий хавф остида қолиши мумкин эди. Бундай шароитда Навоий воқеликка ўз муносабатини фаол билдирмаслиги мумкин эмас эди. Ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан баркамол асар бўлган Навоий «Ҳамса»си мамлакат ва халқ тақдири, келажаги икки ўт орасида қолган даврда яратилди. Мамлакат ва халқ тақдирини шоҳнинг адолати билан боғлаш Шарқ тафаккур олами учун Навоийгача ҳам ўзига хос бир анъана сифатида шаклланиб келган.

Айни пайтда халқнинг маъмурлиги мамлакат аҳлининг муҳим маънавий-ижтимоий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ бўлгани учун у миллий жипсликни янада тезлаштирувчи ва мустаҳкамловчи омил эди. Маъмурлик мамлакат аҳлининг ҳунармандлар, деҳқонлар, савдо-сотик аҳли ва бошқа кўплаб табақалар муносабатларининг янада ривожланишига, бу билан эса, ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг янада кенгайиши ва ўсишига йўл очиб берарди. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шоҳдан тортиб оддий фуқарогача ўз олдиларида қандай вазифалар туришини англашларига даъват қилиниши бежиз эмас. Мамлакат аҳолиси онги, дунёқараши, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий муносабатларининг ривожланишига, фуқаролараро муносабатларнинг юксак поғонага кўтарилишига зарур маънавий муҳит яратади.

Халқ ва давлат муносабатларининг ҳар томонлама муштараклашиб бориши табиий йўсинда маънавий-мафкуравий бирликка заруратни юзага чиқаради. Шундай заруратларнинг бир кўриниши Навоий илгари сурган тил бирлигига эришиш ғояси эди.

Навоий асарларида илгари сурилган етакчи ғоялар: марказлашган ягона давлат ва унинг адолатли подшоҳи, халқнинг маъмуриги, маънавий-мафкуравий, лисоний бирлик тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўз навбатида миллий жипсликни таъминлашга, миллий ўзликни англашга хизмат қилади.

Бир-бири билан боғлиқ бўлган шу каби омилларга кўра, Навоий илгари сурган ғоялар яхлит таълимот даражасида мужассамлашган. Шунинг ҳам эътирофи этиш жоизки, Навоий қарашлари миллий юксалишнинг маълум бир тарихий босқичи бўлибгина қолмасдан, бугунги мустақиллик шароитида ўзликни англашда, миллий манфаатларни идрок этишда, давлат ва халқ манфаатларини бир бутунликда билишда ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас.

Миллий ғоя халқ ёки миллатнинг маълум бир ривожланиш босқичи билангина чегараланиб қолмайди. Унинг асосий хусусиятларидан бири ўзи мансуб миллат ва халқ ҳаётини яхлит қамраб олиб, ўтмиш ва келажак ўртасида маънавий-руҳий кўприк бўла олишидир.

Навоий ва миллий тараққиёт ҳақида фикр юритилганда, унинг асарларида кўтарилган долзарб вазифаларнинг хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Хусусан, «Садди Искандарий»да амалбозликни, тўрачиликни, худбинликни инкор этувчи, инсон шахси ва эркини ҳимоя қилувчи, қонун ва адолат олдида ҳукумдор шоҳ ҳам, фуқаро ҳам тенг эканлигини ёқловчи қарашлар бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга. «Садди Искандарий»нинг бош ғояси мамлакатни оқиллик, адолат билан бошқариш ва халқ фаровонлигидир.

Мамлакатни бошқаришга киришгандан сўнг Искандар муҳим ислохотларни амалга оширади. Бу ислохотлар ўша даврда ҳукм суриб келаётган анъаналарнинг баъзи жиҳатларини инкор этарди. Асарда Искандарнинг мамлакат фаровонлиги, осойишталиги ва янада тараққий

этиши учун олиб борган ислохотлари аслида темурий шахзодаларга ибрат сифатида айтилган эди.

Навоий кўтарган ижтимоий масалалар миллий тараққиётнинг моҳиятли жиҳатларини реал белгилаб олишимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими Навоий даъватларининг, илгари сурган ғояларининг миллийлик касб этиши учун миллатга хос ташқи белгилар, урфлар йиғиндисини тартиб қилиб беришга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Бундай таркиб миллий ғоя тушунчасининг мазмунини очиб беролмайди. Шу ўринда ғоянинг миллийлик моҳиятини тор маънода этник кўринишлардаги қобик билан чалкаштириш унинг аҳамиятини бир томонлама, баъзан ҳатто нотўғри тушунишга олиб келиши мумкинлигига тўхталиш зарур. Миллий ғоянинг ҳаракатлантирувчи моҳияти халқни юксак мақсадлар йўлида жипслаштириши, сафарбар этишидадир. Ҳар бир халқни тараққиётга рағбатлантирувчи ғояси унинг миллий ғояси ҳисобланиши мумкин. Мамлакат ва халқнинг фаровонлигини ҳар жиҳатдан тадқиқ этган Навоий миллий жипслик ғоясига муҳим урғу берган. Чунончи, мамлакат аҳлининг жипслиги ҳам шоҳнинг одил сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Адолат билан бошқарилган мамлакатда фуқароларнинг маънавий, иқтисодий муносабатларида кескин зиддиятлар бўлмайди, мамлакат аҳли адолат билан бошқарилмаса, салтанатнинг парокандаликка юз тутиши муқаррардир.

Алишер Навоий:

«Рафиқ икки дарвеш беиштибоҳ,

Эрур яхшироқ адув икки шоҳ!»¹ - деганда ҳар қандай икки дарвешнинг дўстлигини бир-бирига душман бўлган шоҳлар низоларидан устун кўяр экан, шоҳлар орасидаги келишмовчилик ва зиддиятлар натижасида мамлакатнинг парчаланиб кетиши мумкинлигига ишора қилган. Ўзаро иттифоқ асосида бошқарилмаган давлатдан иқбол юз ўгириши

¹Алишер Навоий. Садди Искандарий.-Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1991.-137 б.

мумкинлигидан жиддий хавотирланган. Навоий яшаган даврда темурий шахзодалар орасидаги парокандалик салтанат қудратига ўз нуқсини урганлигини, бу билан мамлакатда ўсиш ўрнига инқироз бошланиши мумкинлигини Навоий англаб етган. Шунинг учун ҳам юқорида зикр этилган хулосаларга Навоий асарларида такрор-такрор дуч келишимиз тасодифий эмас.

«Маҳбуб ул-қулуб» асарида мусулмон жамиятида ўзига хос таъсир ва мавқега эга табақа вакиллариининг таъмагирлик, шариат қонунларини бузиш ҳолатларининг танқид қилиниши орқали Навоий жамиятининг маънавий парокандаликка тушиш сабаблари ва хавфидан огоҳ этади. Ички жипслик, маъмурлик бутун жаҳон халқларининг ҳам муҳим эҳтиёжи. Шу ўринда Искандар тилидан айтилаётган қуйидаги фикрлар эътиборни тортади:

«Дедиким: менга ганж эмасдур ҳавас,

Сипоҳу раият-менга ганж, бас.

Улус бўлса маъмур, бир ганж эрур,

Ки андин жаҳон фатҳи беранж эрур».¹

(Мен ганж-хазина иштиёқманди эмасман, мен учун халқ ва лашкар хазинадир. Халқ маъмур бўлса, шунинг ўзи бир хазинаки, бу куч билан бутун жаҳонни фатҳ этиш мумкин).

Умуман, Искандарнинг хотирида «Адолат билан оламни олиш мумкин» деган ғоянинг ўрнашиб қолишига устувор аҳамият берилиши, мамлакат аҳлининг жипслиги, маъмурлигини мамлакат ва давлат мустақиллигига асос қилиб олиниши, аслида, Искандар образи ва таъбири орқали Амир Темурнинг «Куч - адолатда» деган ғоясини бадийий усулда ташвиқ этиш эди.

Навоий «Хамса»сидаги бош ва ижобий қаҳрамонларнинг барчаси турли миллат вакиллари. Бунда жуда муҳим ғоявий маъно ва мақсад бор. Навоий ўзини ўйлантирган ғояларни ўз тимсолларига сингдириб, бу

¹Алишер Навоий. Садди Искандарий. -Тошкент:Адабиёт ва санъат, 1991.-186 б.

ғояларнинг турли халқлар ва миллатлар учун бирдай қадрли ва эъзозли, ардоқли ва севимли бўлишини орзу қилган. Бундан мақсад умуминсоний бағрикенглик асосида бир-бирига қардош, ёндош халқларни ўзаро муштаракликка даъват этишдир. Навоийнинг бутун ижоди миллий тотувлик зарурлигини, миллатлараро дўстликни, умуминсоний ва миллий қадриятларни яқинлаштиришни, бирлаштиришни муаллиф ўз замонидаёқ қанчалик теран англаганидан далолат беради.

Миллий тараққиёт ва Навоий таълимоти ҳақидаги мулоҳазаларимиз умуминсонийлик ва етук шахс ғояларисиз кемтик бўлиб қолиши мумкин эди. Навоий, албатта, бу мавзуларга ҳам халқ ва мамлакат манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндашган. «Садди Искандарий»нинг илк қисми муножаатдаёқ эътиборли фикрларга дуч келамиз:

«Илоҳий, аларким, гуноҳкор экин,
Сен ўткармаган не гуноҳ бор экин?

Агар афв ила қарам будурур,
Бори халқнинг журми маъфурдурур.

Чу дарёи раҳматқа солганда мавж,
Қуруқ қолмамиш не ҳазизу не авж».¹

(Эй менинг парвардигорим! Банда зоти мавжуд экан, унинг гуноҳ ишлар қилиши табиий. Сен соҳибқарам сифатида айбжуларга марҳамат қилиб, уларнинг бир эмас бир қанча гуноҳларини афв этиб келгансан. Агар афв билан марҳамат шундай бўладиган бўлса, дунёдаги жамики халқларнинг кечирилиши табиий).

Навоийнинг комил инсон хусусидаги талқин ва хулосаларини «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод ҳамда «Садди Искандарий»да Искандар образларида кузатиш мумкин. Фарҳоднинг комил инсонга хос сифатларини очишда

¹Алишер Навоий. Садди Искандарий. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.-19 б.

Навоий нақшбандия тариқати талабларига асосланади. Фарҳоднинг кўнгли ишққа, қўли ишга берилган. Унинг муҳаббати бекаму-кўст, унда ҳеч қандай ғараз, бачканалик, таъма йўқ. Бу туйғудан Фарҳод жазавага тушиб, мажнунга айланиб қолган ҳам эмас. Айни пайтда бу ишқ Фарҳод учун яшашдан бирдан-бир мақсад ва ҳаётининг маъниси.

Фарҳод ёшлигидан ўз замонасининг барча илмларини ва ҳунарларини эгаллаган, Оллоҳга маъқул ҳар қандай касб билан шуғулланиши мумкин. У олим ва моҳир уста. Фарҳод образи комил инсон тўғрисидаги нақшбандия тариқати идеалларини ўзида мужассам этади.

Фарҳод олган билими ва ўрганган ҳунарини элга хизмат қилдиришни, амалий эзгулик сари йўллашни ўз бурчи деб билади:

«Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроғгаму кетгумдир охир».¹

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Навоий ўрганилган билимни, касб-ҳунар эгаллашни фақат инсоннинг руҳий дунёсини бойитувчи омил деб билмаган, шунингдек, унинг амалий аҳамиятига, юрт ва халққа нафи тегишига эътиборни жалб қилган. Навоий орзу қилган комил инсон тақдири халқ ва мамлакат фаровонлиги билан чамбарчас боғланган. Буни Навоийнинг огоҳликни шоҳнинг энг муҳим сифати даражасига кўтарганида ҳам кузатамиз. Нақшбандияда кўзда тутилган «назар дар қадам» - комил инсон учун ҳамиша муҳим бўлган огоҳликни Навоий шоҳлик учун, юрт тақдири учун, мамлакатнинг фаровонлиги учун бош омил сифатида алоҳида урғу бериб талқин этиши бежиз эмас:

«Эрур сен шоҳ- агар огоҳсен сен,
Агар огоҳ сен – шоҳсен сен» (Фарҳод ва Ширин).²

Худди шундай ёндашувни «Ҳайратул-аброр» ва «Садди Искандарий»да ҳам кузатиш мумкин.

¹Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. -Тошкент: Фан, 1991.

²Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. -Тошкент: Фан, 1991. - 462 б.

Навоийнинг комил инсон ғояси ҳаётнинг синов ва зиддиятлари билан тўқнашувларда мазмунан янада очилади. Бизнингча, бу жуда муҳим масала. Бу, биринчидан, Навоийда комил инсон ҳаётдан ажратиб қўйилган ҳаёлий орзу эмаслигини, иккинчидан эса, Навоийнинг муҳим анъанавий қарашларга таяниши уларни такрорлашдан иборат бўлмаганини англатади ва муаллифнинг ўз даври зиддиятларига ечим топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини ҳар жиҳатдан ёқлайди. Навоий талқинидаги комил инсон силлиқ, равон ҳаёт йўлига эга эмас. Қаҳрамонлар шундай машаққатлар билан юзма-юз бўладилар-ки, уларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам мақсадга содиқлигини Навоий ибрат қилиб кўрсатади. Бу Навоийнинг асл ғоявий мўлжалидир. Фарҳоднинг халқ фаровонлиги йўлида ўзини бахшида этишини, бундай мақсадни ҳатто ўз ишқидан ҳам устун қўйишини алоҳида эътироф этиш зарур.

Бугун биз мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди «ҳар қандай боқимандаликни ўзига ор деб биладиган», билимли, энг замонавий касбларни эгаллаган, айна пайтда ватанпарвар, фидойи, маънавий етук бўлиб камол топиши тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, албатта Навоийнинг образларига ва идеалларига ҳам таянамиз.

Навоий Фарҳод тимсолида ҳам, Искандар тимсолида ҳам етук шахс ғоясини талқин этади. Бу тимсолларни бирлаштирувчи мезон сифатида халқпарварлик, тараққийпарварлик асосий ўринда туради. Навоий юрт равнақини шоҳнинг халқпарварлиги билан бежизга боғламаган. Шоҳ масъулияти Навоий ғоявий қарашларида энг буюк масъулият сифатида гавдаланади. Масала шоҳ масъулиятига келиб тақалганда, Навоий энг зиддиятли масалаларга ҳам оқилона ечим топа билган.

Алишер Навоийнинг ижодий фаолиятида миллий ўзликни англашга ундаш ва шу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадини кузатиш мумкин. У «ўз даврида адабий асарнинг жамиятдаги ўрнини, функциясини, унинг ички

моҳиятини, яъни унинг ўзига хос муҳим хусусиятларини»,¹ адабиётнинг йўлбошчилик мавқеини реал баҳолаган. Нафақат бадиий ижодда, шунингдек адабий-танқидий рисоаларида ҳам аллома бу мақсадни унутмаган. Навоий адабий танқидчилигининг ўзигача бўлган адабиётшуносликдан асосий фарқи ҳам шундаки, у адабий асарга ва адабий ижодга баҳо беришда турмушдан, халқ ҳаётидан, мамлакат равнақи учун муҳим бўлган долзарб масалалардан келиб чиқиб муносабат билдиради. Замондош шоирлар ижодига, асарларига унинг бадиий жиҳатларидан ташқари муҳим ижтимоий масалаларни қанчалик теран қамраб олганига асосланиб баҳо бериш Навоий адабий-танқидчилигининг муҳим мезонидир. У ўзигача бўлган буюк сўз ижодкорлари меросига ҳам худди шу мезондан келиб чиқиб муносабат билдирган.

Бобда ўрганилган масалаларнинг якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсонпарварлик билан йўғрилган, тараққиётга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялар қачон, қайси мамлакатда туғилмасин, туб моҳиятига кўра умуминсонийлик касб этади. Ҳақиқий бунёдкор ғоялар олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ифода тили ва шакли бўйича миллий кўриниш олсада, мазмун ва моҳияти бўйича умуминсоний ғояларга яқин туради.

2. Миллий ғоянинг маънавий илдизларини тадқиқ этиш маънавий меросдаги муштарак мақсад ва маънони, ворисийликни теран англаш имконини беради.

3. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпослари вужудга келиши маълум тарихий даврда уруғ ва қабилаларнинг, элатларнинг бирлашуви жараёнида ўзлигини, ўз манфаатларини англаш даражаси ўсиши ва умумий ёвга қарши курашда бирлашиши билан боғлиқ. Миллий ғоянинг илк маънавий илдизлари аввало ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпосларида акс этган. Халқ оғзаки ижодида, қаҳрамонлик дostonларида, ёдномаларнинг деярли ҳар

¹ А. Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг танқидий қарашлари. -Тошкент: Фан, 1959.-12 б.

бирида ватанпарвар боболаримизнинг ижтимоий тажрибаси, ҳаёт сабоқлари, авлодларга ўғитлари, даъватлари акс этган. Баъзан ўқинч, ачиниш ҳисси устувор таънаомуз сатрларга ҳам дуч келамиз, бироқ уларда юрт мустақиллигини сақлаб қолиш, ҳамжиҳатликни қўлдан бермаслик, яшаб турган заминга фарзандлик масъулиятини эслатиш фикри ва ғояси ярқ этиб намоён бўлади. Ватан, халқ озодлиги ва жипслиги, тинчлиги ва фаровонлиги, қаҳрамоннинг эса мардлиги ва фидойилиги, ўз бурчига, имон-эътиқодига содиқлиги асосий мақсад бўлиб қолаверади.

4.Амир Темур ва темурийлар даврида бошланган миллий тикланиш ва юксалиш маънавиятининг чўққиси Алишер Навоий ижодидир. Амир Темурнинг “Куч – адолатда” ғоясини ҳамда шарқ адабиётида ўзининг буюк ўтмишдошлари, салафлари анъаналарини Навоий давом эттириб, уларни ўзбек элати шаклланиши ва ривожланиши зарурати билан боғлади. Алишер Навоий асарларида илгари сурилган марказлашган ягона давлат ва унинг “адолатли подшоҳи”, адабий тил бирлигига эришиш юқорида қайд этилган заруратни, миллий жипсликни таъминловчи омиллар эди.

5.Навоийнинг “одил шоҳ” ғоясида мамлакат аҳлининг эркин ва фаровон турмушига шароит яратишни давлат бошқарувининг асосий вазифасига айлантириш мақсади мухтасар ифодаланган. Салтанатни адолат билан бошқариш тамойилини марказлашган давлат учун асосий мезон даражасига кўтариш Навоий даврининг муҳим эҳтиёжи, аллома ижодининг асл ғоявий мақсадларидан бири эди.

III БОБ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА ШҶҶРОЛАР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ МИЛЛИЙ УЙҶОНИШ ҶОЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИ

3.1. Жаидлар фаолияти ва ижодида миллий ғоя муаммоси

Миллий истиқлол ғояси мазмуни ва шаклланишининг тадрижий босқичлари нуқтаи назаридан жаидлар фаолияти ва ижоди алоҳида аҳамият касб этади. Жаидлар ғоялари миллий истиқлол ғоясининг мустамлакачилик давридаги тадрижининг чўққиси, бугунги миллий истиқлол ғоямизнинг пойдеворидир.

Совет даврида жаидчиликка миллат тарихидаги ўзига хос миллий тикланиш, ўзликни англаш ҳаракати деб эмас, балки тор миллатчилик руҳидаги сиёсий оқим сифатида қаралди. Изоҳли ва бошқа луғатларда жаидчилик атамаси «миллий буржуазиянинг тор манфаатларига бўйсундирилган сиёсий оқим»¹ деб талқин қилинди.

Аслида жаидчилик кенг маънода халқнинг сиёсий, ижтимоий - иқтисодий, маданий ҳаётидаги қарамликка, миллий қолоқликка, тенгсизликка, адолат бузилишига қарши кураш ва истиқлолга йўл-йўриқ излаш ғоявий амалиёти эди. Жаидчиликнинг ўзига хос муҳим бир жиҳати у миллий тараққиётни янги дунё ва янги аср билан ҳамнафас бўлган ҳолда ривожлантириш зарурлигини теран идрок этди.

Жаидчилик ҳаракати халқнинг ижтимоий онги ва ҳаётига ўз даврида жуда кучли таъсир кўрсатган дастлаб маърифий шаклдаги миллий озодлик ҳаракати эди. Бу ҳаракат тез ривожланиб, охир-оқибат миллий истиқлол заруратини ифодалай бошлади. Аммо мазкур ҳаракат, биринчидан, мустамлакачилик мафкураси кенг қулоч ёйган, миллат парокандаликка учраган, бўлиниб қолган даврда дунёга келгани учун уюшган ягона сиёсий

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд.- Москва: Рус тили, 1981. – 270 б.

платформага эга бўла олмас эди. Иккинчидан, у бирданига етук ҳолда вужудга келиб қолмаган, шаклланиш ва зиддиятли ривожланиш даврларини бошидан кечирган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жаидлар истиқлолга эришиш борасида бир - биридан фарқ қилувчи уч йўлдан борадилар:

“1.Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан қутилиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон кўзғолони, 1916 -йил воқеалари, “босмачилик”).

2.Мураса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масалаларида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (Исмоилбек Гаспирали, Махмудхўжа Бехбудий).

3.Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний)».¹Аммо жаидлар танлаган йўналишлардаги тафовут уларнинг бир-бирига қарама-қарши ёки зид мақсад тарафдори бўлганини англатмайди. Бу тафовут нисбий характерга эга бўлиб, ҳар учала ғоявий йўналишни бирлаштирадиган ягона мақсад мавжудлигини унутмаслик зарур. Бу тафовутнинг сабаби мамлакатдаги танг ҳолат, зўравонлик мафкурасининг мунофиқлиги билан боғлиқдир. Ягона мақсад эса миллий озодликка, миллий тараққиётга эришишдан иборат эди.

Мамлакатни қолоқликдан, турғунликдан олиб чиқиш мақсадида ишни мактаб ва таълим ислохотидан бошлаган жаидлар бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган қатор йирик муаммоларга дуч келадилар. Бу жараёнда жаидчилик ҳаракатининг ўзи ҳам, унга бўлган муносабат ҳам ўзига хос такомиллашув эволюциясини ўтайди. У тор маърифий ҳаракатдан кенг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ҳаракатга айланди.

XX асрнинг биринчи чораги «жаидчилик» мафкураси ва ҳаракатининг ёйилиши ва ўз даврининг энг пешқадам ҳодисаси сифатида

¹Бегали Қосимов. Миллий уйғониш. -Тошкент: Маънавият, 2002. - 8 б.

баҳоланган даврдир. Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар» (1920), Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро инқилоби тарихига доир» (1926) асарларида жаидчилик замоннинг пешқадам ҳодисаси сифатида баҳоланган. Лекин совет ҳокимияти мустаҳкамланиб бориши жараёнида жаидчиликка расмий муносабат очиқчасига салбий томонга кескин ўзгара борди. Сталинчилик ғалаба қилган, мамлакатда душман излаш авжига чиққан даврда партия фаолияти ҳақида ҳар қандай танқидий гап унга хужум сифатида қабул қилинди. А.Фитрат, О.Хўжаевнинг ишдан олиниб (БХР раҳбарияти) Бухородан бадарға қилиниши, Мунавварқорининг ўз оиласи билан расман алоқасини узиб Москвага жўнаб кетиши, А.Қодирийнинг партия ва давлат арбобларини обрўсизлантиришда айбланиб қамокқа олиниши, «иноғомовчилик», «қосимовчилик» номлари билан маҳаллий зиёлиларни йўқотишга қаратилган суд жараёнлари, «Мунавварқори ва унинг тўдаси» қамокқа олиниши (1929), ОГПУ нинг қарори билан 565 кишининг судга тортилиши, 18 кишининг отиб ўлдиришга ҳукм қилиниши,¹ «ватан хоини», «халқ душмани» тамғалари остида амалга оширилган оммавий катағонлар жаидчилик мафкураси намоёндаларини жисман йўқ қилишгача бориб етди.

XX аср бошларида шаклланиб, социалистик диктатура тўлиқ ўрнатилишига қадар ҳам ўз мавқеини сақлаб қола олган жаидчилик ҳаракати тазйиқнинг турли кўринишларига дучор қилинишига қарамасдан, миллий озодлик заруратини ўз мафкурасида акс эттирган кенг миқёсдаги ижтимоий (маърифий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий ва ҳ.к) ҳаракат эди.

Жаидларнинг миллий озодлик мафкураси Октябрь тўнтариши арафаси ва ундан кейинги илк йилларда амалий самара бера бошлаганини алоҳида таъкидлаш керак. Улар сиёсий ишлар - ҳақ-ҳуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари, солиқларни камайтириш, деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш, амалдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаб қўйиш каби иқтисодий-

¹Қаранг: Б.Қосимов. Миллий уйғониш.-Тошкент: Маънавият, 2002. -12 б.

сиёсий талаблар билан мунтазам шуғулландилар. Мактаб, маориф ислоҳ қилинди. Миллий матбуот йўлга қўйилди. Миллий театр, жадинлар адабиёти майдонга келди. Қисқа вақтга бўлса-да, Туркистон мухторияти ўрнатилдики, буларнинг барчаси мужассам ҳолда жадинлар мафкурасининг маҳсули эди.

Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқорилар социалистик таълимотнинг ва Ленин партиясининг ғояларини қабул қила олмадилар. Улар социалистик мафкуранинг зўравонликка ва қарамликка асосланганини халққа етказишдан бир қадам ҳам чекинмаганлар: «мустамлокот қоидаси ила бизни идора этурлар».¹

«Туркистон мухторияти» мустамлакадан мустақиллик томон қўйилган жиддий ва жасоратли қадам эди.² Беҳбудийнинг қуйидаги даъватида эса Туркистон мухториятининг миллат ва ватан тақдири учун қанчалик муҳимлиги ўз ифодасини топган: «.. билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунин, мухториятда олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзлари бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул албатта шундайдир ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур...»³ Умуман, Туркистон мухторияти миллий озодлик ва ватан мустақиллиги эътиқодига айланган жадинлар мафкураси намояндаларининг яқдил ғояси бўлган:

«Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди,

¹Беҳбудийнинг 1917,16-23 апрелда Туркистон мусулмонлар ўлкаси курултойида сўзлаган нутқи. Миллий уйғониш.-Тошкент: Маънавият, 2002. -231 б.

²Б.Қосимов. Миллий уйғониш.-Тошкент: Маънавият,2002. -232 б.

³Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар.-Тошкент: Маънавият, 2006.- 205 б .

Молимиз таланди, шарафимиз емурилди, номусимиз ғасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди.

Тўзимли турдик, сабр этдик, кучга таянган ҳар бўйруқга буюнсундук, бутун борлиғимизни қўлдан бердик,

Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, иймонимизга ўраб сақладук, бу – Туркистон мухторияти!»¹

Туркистон мухторияти ғояси жадиждларнинг сиёсий мустақиллик учун олиб борган ҳаракатларида ёрқин намоён бўлади. «Шўройи исломия» жамиятининг (Авлоний, Мунавварқори) «Марказий шўро» (Бехбудий), «Иттиҳод ва тараққий», «Турк одам маркази» (Мунавварқори), «Мусоват» (Тенглик), «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» номлари билан фаолият кўрсатган жамиятларнинг бош ғояси мустақил Туркистон, аста-секин миллий истиқол тушунчаларига тадрижий юксалиб борганини кузатамиз. Бу каби жамиятларнинг фаолиятини Мунавварқори, Фитрат, Авлоний, Бехбудий номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараёнлар жадиждлар олға сурган миллий истиқлол ғоясининг ривожланиб боришини акс эттиради. Жадиждлар ғоялари бугун мустақилликни мустаҳкамлаш даврида ҳам тарихий сабоқ сифатида аҳамиятини йўқотган эмас.

Шу ўринда истиқлол учун курашни мураккаблаштирган маҳаллий мутаассиблар ва тож-тахт ворисларининг биқиқ даъволари ортидаги воқеа - ҳодисаларга ҳам тўхталиш жоиздир. 1917 йилда тарих Туркистонликларга мустақилликни қўлга олиш ва муносиб идора усулини ўрнатишдек ноёб имкониятни берганда, бир гуруҳ кишилар хонликни тиклаш, Худоёрхоннинг ўғли Муҳаммад Аминбекни хон кўтариш фикрида бўлсалар, иккинчи бир гуруҳ ривожланган мамлакатлардан ўрганиш, андоза олиш йўлларини излайдилар. Адабиётларда Мунавварқорининг 1917 йил воқеаларидан анча илгари Абдусамикори Зиёбоев ва Абдукаримбой Икромовлар билан

¹А.Фитрат мансураси. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Тошкент: Маънавият, 2004. - 369 б.

биргаликда Финландияга бориб, идора усулини ўрганиб келгани қайд этилган.¹

Мутаассиблар ва тожт-тахт даъвогарлари жадиждларнинг истиқлол йўлидаги ҳаракатларига тўсиқ бўла олмасада, узоқ йиллар давомида тараққийпарвар зиёлилар ҳаракатини чалкаш тарғиб қилинишида атайин олинган далил вазифасини ўтаган. Аслида эса мутаассиблик ва тахт ворислари ҳатти-ҳаракатларидаги тафовут жадиждлар билан тўқнашув даврларининг ўзидаёқ яққол намоён бўлди. Жадиждларнинг ижтимоий ҳаракатларига миллат тараққиёти, миллий истиқлол нуқтаиназаридан ёндашишнинг ўзи улар мақсадларини очиб беради. Иккинчи яна бир муҳим жиҳат эса, жадижд ғояларининг ҳаёт талабларига мос эканлигида, такомиллашувида, маҳаллий аҳолининг сиёсий ва маънавий етуқлигини, салоҳиятини ҳисобга олганида кўринади. Шу сабабдан жадиждлар ўз ҳаракатини дастлаб маърифат ва маорифдан бошлаган эдилар. Зеро, таълим ислоҳоти миллат истиқлоли учун бошланғич йўл ва восита эди.

Жадиждчилик ҳаракатининг марказида миллий уйғониш масаласи турганлиги шубҳасиз. Аммомиллий уйғониш, ўзликни англашга эришиш учун маорифни тубдан ислоҳ этиш зарур эди. Жадиждчиликнинг пойдевори, тамал тошини янги усулдаги мактаблар билан боғлашда биз эътиборни тортмоқчи бўлган масаланинг асл моҳияти мужассам: чунончи, «усули жадижд» дарсликлари муаллифлари қайта-қайта таъкидлаганларидек, «Туркистон шевасида», «энг осон усул ила», «очик тил ва осон таркиб ила» ёзилган бу дарсликлар, хусусан алифбодан сўнг ўқитиладиган мажмуалар «болаларнинг табиатларига миллий ҳасрат ва надоматлардан иборат ўлан насиҳатларни ўрнашдурмак орзусинда»² яратилган эди. Кўриниб турибдики, бу мактаблар болаларни шунчаки хат танишга ўргатишгина эмас, балки ижтимоий-сиёсий дунёқарашини шакллантиришга ҳам муҳим эътибор

¹Б.Қосимов.Миллий уйғониш. -Тошкент: Маънавият,2002.-241 б.

²Ўша асар.- 27 б. Бу ҳақда қаранг:АбдуллаАвлоний.Танланган асарлар. 2-жилд. -Тошкент: Маънавият, 1998.

қаратган. Янги усулдаги мактабларнинг шўро ҳукумати томонидан жиддий тазйиққа дуч келишининг сабаби ҳам шунда.

Жадидчилик ҳаракатини қайси бир йўналишда кузатмайлик, асосий мақсад миллий ўзликни англаш, миллий уйғонишга бориб тақалади. Бу йўл-йўриқлар бугунги мустақилликни мустаҳкамлаш ишларимиз билан ҳамоҳанг. Хусусан, жадидлар ёшларни Ғарб ва Шарқнинг тараққий қилган мамлакатларига ўқишга юборишга алоҳида аҳамият берганлар. 20-йилларнинг бошларида Германия, Туркия, Япония, Франция мамлакатларида ўқиб турган туркистонлик ёшларнинг сони 500 дан ошиқ бўлган.¹ Биринчи жаҳон уруши, мардикорлик ҳаракати, ҳатто 1917 йил воқеаларидан кейин ҳам чет элларда кадрларни ўқитиш тўхтаб қолмаганлиги жадидчилар ҳаракатининг асл мақсадини очиб беради. Мақсад жаҳон тараққиёт йўлини белгилаб турган Европа илм-фани ютуқларини ўзлаштириш, маҳаллий кадрларни жаҳон талабларига монанд таълим олишларини таъминлаш, «Туркистонни дунёга қўшиш»дир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган дастлабки йиллардаёқ таълим ва кадрлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ икки муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакат тараққиётида кадрларнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Айни пайтда бу дастурлар Ўзбекистон мустақиллигининг устувор ютуқларидан ҳисобланади. Замонавий билимга эга, фаол кадрлар озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим бунёдкорларидир. Бу масаланинг ҳал қилувчи омил эканлигини тараққий этган мамлакатлар тажрибаси исботлаб турибди.

Жадидчилик ҳаракати ва миллий истиқлол ғояси мазмуни қиёс этилганда, бугунги ҳаётимиздаги кўплаб масалалар жадидларнинг ушалган орзуси эканини кузатамиз. Маълумки, миллий истиқлол ғояси биз интилаётган, кураётган жамиятнинг мазмун-моҳиятини ўзида ифодалайди.

¹Бу ҳақда қаранг: Ш.Турдиев. Улар Германияда ўқиган эдилар. -Тошкент: Фан, 1991. Б.Қосимов. Тоҳир Чиғатойнинг Бамбергдаги шогирди. Марказий Осиё маданияти газетаси, 1997. –Б.3-4.

Жамият ҳаётининг мазмун-моҳиятида миллий ва умуминсоний маданият омукталашуви ниҳоятда нозик масаладир. Ўз даврида бу ҳодиса жади́дларни ҳам жуда хавотирлантирган: «Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир, - деб ёзган Исмоилбек Гаспирали, -улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз. Эсли, хушли инсонлардек, бу нимадир? оқибати нима бўлади? Виждон ва ҳаққониятга уйғунми? – дея ақл тарозисида тортиб оламиз».¹

Жади́длар ҳаракатининг бош намояндаси И.Гаспиринскийнинг мулоҳазалари бугунги кун учун ғоятда муҳим. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар билан маънавий тикланиш кўшиб олиб борилаётир. Бунда халқаро меъёрлар, эътироф этилган умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда асрлар синовидан ўтган миллий менталитетимизнинг ижтимоий ҳаётда, қонунчиликда ҳисобга олинаётгани жади́длар излаган оқилона йўлга мослигини англаш қийин эмас.

Алоҳида эътироф этиш керакки, жади́длар миллатни ғафлатдан уйғотиш ва уни мустақилликка тайёрлаш эҳтиёжини чуқур англадилар. Бунда тарих сабоқларига таянишга алоҳида аҳамият бердилар. Ўзлигини унутаетган миллатга тарих шуурини сингдиришга ва у орқали янги руҳ бахш этишга уриндилар. И.Гаспиралининг «Муколамаи салотин», Фитратнинг «Темур сағанаси» асарлари, М.Бехбудий, А.Фитратнинг илмий ва публицистик мақолалари мулоҳазаларимизни асослайди.

Сўнгги юз йилдаги дунё ўзгаришлари, ғарбда маданий-сиёсий инқилоб юз берган, илмий-техникавий мўъжизалар яратилиб, мамлакатларнинг идора тизими ва қонунлар томон янгиланаётган, саноат ва ҳарб ишлари кескин ривожланаётган бир даврда Шарқ ислом мамлакатлари тамоман турғунликка юз тутгани соҳибқироннинг тоқатини тоқ қилади. Темур хонларни сўроққа тутди. Улардан мамлакатдаги қолоқликка қарши қандай чоралар

¹И.Гаспирали. Оврупо маданиятига бир танқидий назар. Ўзбекистон адабиёти ва санъатигаъетаси,1996. 26-январ, 4-сон.

кўрилганини, овруполиларни илман, молан, сиёсатан кучли ва иқтидорли қилган нарсаларга нега улар эътибор бермаганликларини сўрайди.

Хон ва султонларнинг ноаҳиллиги, эл-юрт тақдирини ўз тақдири билан боғлай олмаслиги, узоқни ўйлаб иш тутмаслиги, мутаассиблиги, бошқа мамлакатлардаги ривожланишга бефарқлиги, мамлакат ва унинг қонунларини янгилашда ўзида куч топа олмаслиги, ватан мудофаасининг ўта сустлиги, ҳарбий-техникавий қолоқлик Темурни оғир изтиробга солади. Асарнинг асл муддаоси ҳам Темур изтироблари орқали ифодаланган. Миллат қудратининг емирилишига сабаб ғафлат ва қолоқликка кўникишдир. Миллат ва халқ маънан уйғонмоғи шарт. Бунинг учун миллатни жипслаштирадиган, унга куч-қудрат бахш этадиган ва тараққиётга рағбатлантира оладиган ғоя зарур.

Мамлакатни қолоқликка маҳкум этган худбин хон ва султонларнинг ғофилликлари аниқ тарихий ва ҳаётий далиллар билан очиб берилиши муҳим тарихий сабоқ ва хулосалардир. Тарих сабоқлари биринчи навбатда келажак учун муҳим. Ҳикоядан асл муддао шудир. Ҳар бир миллатнинг тараққиёти унинг озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқлиги «Маколамаи салотин»нинг бош ғоявий мақсадидир. Амир Темурни ҳаракатга ундаган миллатни бир қилиш, унинг куч қудратига, ақлу заковатига муносиб мамлакат қарор топтириш ғояси бугунги миллий истиқлол ғоясининг теран маънавий илдизларидандир.

Миллатни турғунликдан уйғотишда тарих сабоқларига таяниш ғояси Фитратнинг «Темур сағанаси» асарида янада ёрқин ифодаланган. Шу табиий ва содда саволга тўхталиш зарур. Нега Фитрат Темур хотирасига мурожаат қилди? Халқ ва миллатни ягона мақсад, ғоя теварагида бирлаштириш, миллий мустақиллик ғоялари Темурнинг бош мақсади ва бош ғояси бўлгани учун, албатта. Нега бўлинган Туркистоннинг узоқни ўйламайдиган хон ва беклари қалбида ва тафаккурида бундай улуғвор ғоя, мақсад йўқ? Нега улар миллат қудратининг бўлинган сари йўқолиб бораётганини ҳис этмайдилар,

англамайдилар? «Темур сағанаси»да Фитратнинг авлодларга айтмоқчи даъвати шундан иборат, деб ўйлаймиз.

Амирлик тузуми ўз умрини яшаб бўлганини, мустақиллик ғоялари, қолоқликдан чиқиш йўли сифатида халқни маърифатга ундаш Фитратнинг «Мунозара»(1909), «Сайҳа»(1911), «Сайёҳи Ҳиндий» (1912) сингари насрий асарлари ва шеърий тўпламларида, «Чин севги»(1920), «Ҳинд ихтилочилари»(1923), «Абул Файзхон»(1924) драмаларида асосий мақсаддир. Бу асарлар истиқлолгача бўлган даврнинг ижтимоий муаммолари тўла ва ҳаққоний ёритилгани билан ажралиб туради.

Чоризм давридаёқ, мустабид ҳукуматнинг мусулмонлар маорифи ва диний эътиқод борасидаги расмий нуқтаи назари, амалдаги сиёсати кескин тус олган бир даврда жадиждлар миллий тарбия, ватанпарварлик, истиқлол ғояларининг авлодлар тафаккурига она тилида сингдирилишига алоҳида эътибор қаратдилар. Уларнинг бу каби саъй-ҳаракатлари қанчалик оғир тазйиқларга учрашига қарамасдан жасорат ва фидойилик билан давом эттирилганлиги бугунги ёшларда миллий фидойилик тушунчасининг теран маъно касб этишида маънавий ибратдир. Шу ўринда Қодирий, Чўлпон, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Авлоний, Бехбудий, С.Ажзий, С.Сиддиқий, Сўфизодаларнинг хизматларини алоҳида тилга олиш жоиздир.

XX аср бошида ватанимиз сиёсий, маданий ҳаётини янгилашда, миллий уйғониш зарурлигини тарғиб этишда жадиждлар асос солган матбуотнинг ҳам ўз ўрни бор. Жадиждлар матбуоти қардош, тилдош, миллатдош Туркистон аҳли учун миллий жипслик, миллий мустақилликнинг қанчалик муҳим ва зарурлигини англаб етишда мактаб вазифасини бажарди. Мустамлакачилик ва қолоқлик хўрликларини бошидан кечираётган Туркистон аҳлининг мазкур тузумга қарши кураш ғояси атрофида бирлашиб, зарур қудратга эга бўлиши жаид матбуоти кўзда тутган асосий мақсад эди. Ўлкада чуқур илдиз отган бош-бошдоқлик, хурофот, мутаассиблик, худбинликка барҳам бериш, халқни миллий мустақиллик, озодлик, маърифат,

адолат, тараққийпарварлик ғоялари билан миллий уйғонишга ундаш жаид матбуотининг ғоявий мазмунини ташкил этган. «Тараққий», «Садон Туркистон», «Хуршид», «Таржимон», «Хуррият», «Эл байроғи», «Оина» каби ilk газета ва журналлар саҳифаларида истиқлол ғоялари тарғиб қилинган. «Оина» журналининг германиялик профессор Балдауф «Чор Русиясидаги (ҳамда Усмонли Туркия, Эрондаги) мусулмон турк маърифатпарварларининг анъанавий дастуриламали эди», - деб баҳолаган.¹

Умуман олганда, жаидчилик ҳаракатининг такомиллашуви ҳар жиҳатдан миллий мустақиллик, истиқлол ғоясининг чуқур илдиз отиб бориши билан чамбарчас боғлиқ жараён. Шу боисдан жаидчилик ҳаракати ривожланиши давомида миллий истиқлолга эришиш ғояси асосий вазифага айланиб борган. Бошқача айтганда, жаидлар таълим ислоҳотини ҳам, тарих сабоқларидан хулоса чиқаришни ҳам, халқнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириб дунё илм-фани даражасига эришишни ҳам, иқтисодий, ижтимоий ва идоравий-бошқарув соҳасидаги ислоҳотларни ҳам миллий давлат мустақиллигига эришиш йўлида муҳим вазифалар деб билганлар. Жаидлар ҳаракатининг яна бир ажралиб турадиган жиҳати улар сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учунгина интилган эмаслар. Аксинча, давлат мустақиллиги ва равнақини миллат ва халқ салоҳияти билан боғлиқ деб қараганлар. Улар учун асосийси ҳокимиятни шахсан қўлга олиш эмас, миллат салоҳиятини кўтариш орқали уни турғунлик ва қарамликдан озод этишдир.

Жаидчилик ҳаракати, миллий уйғониш, миллий мустақиллик ғоялари ҳақида мулоҳаза юритилар экан, жаид адабиётига мурожаат этмай бўлмайди. Халқ ва миллатни уйғотишда, тараққиётга рағбатлантиришда адабиётнинг ўрни беқиёсслигини қўплаб халқлар тарихида кузатиш мумкин. Жаид адабиёти вакиллариининг илғорлари тузумни янгилаш эҳтиёжини англаб етган ижодкорлардир.

¹Ингеборг Балдауф. XX аср Ўзбек адабиётига чизгилар. -Тошкент: Маънавият, 2001.- 28 б.

Адолат ўрнига зўровонлик кўз ўнгида содир этилаётган халқни қирғинбарот хунрезликларга ундамадилар. Аксинча, оқилона ислохотлар асосида миллий фожиадан, миллий қолоқликдан чиқиш йўлини тутдилар. Умуман, жадинчи шоир ва ёзувчилар ижодида давр воқеалари жуда ёрқин ва ҳаққоний акс эттирилган. Улар миллат бошига тушган қолоқлик, зулм ва зўровонликда мустабид мафкура билан бир қаторда маҳаллий хон ва бекларнинг ҳам "катта улуши" борлигини аччиқ бир ҳақиқат сифатида тилга оладилар. Бу эса шунчаки кундалик маиший масала эмас эди.

Шу ўринда Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасига алоҳида тўхталиш жоиз. Муаллиф асарни «Миллий фожа» деб атади. Бинобарин, миллатнинг фожиаси сабаби саводсизлик, билимсизлик, нодонликдир. Узоқни кўра билмаган бой ота фарзандининг савод чиқариб билим олишига йўл бермади. Саводсиз фарзанд кўча безориларига қўшилиб, маишат қулига айланади. Оқибатда пул учун ўз шериклари билан отасини ҳам ўлдиради. Аслида Беҳбудийни изтиробга солган аянчли фожа миллат ҳаётидан олиниб, сахна орқали халқ кўзи олдида гавдалантирган. Миллат фожиаси, аянчли тақдирлар, унинг сабаблари, ҳатто ўша даврда айтилиши ёки асарда ифодаланиши мумкин бўлмаган мустамлакачиларнинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги халқнинг соддалигидан фойдаланиб амалга оширган турли найранглари ҳам «Падаркуш» драмасида аниқ воқеалар асосида ёритилган.

Жадидчилик ҳаракати ва миллий истиқлол ғояси ҳақида фикр мулоҳаза юритилар экан, ворисийлик, давомийлик тушунчаси хусусида ҳам тўхталиш жоиз. Юрт мустақиллиги, инсонпарварлик, илмпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, она тилига муҳаббат, халқ фаровонлиги каби кўплаб ғоялар жадидларгача бўлган давр адабий, сиёсий, фалсафий қарашларида ҳам етакчи ўринда турган. Навоийнинг инсонпарварлик, илмпарварлик, ватанпарварлик, Юсуф Хос Ҳожибнинг адолатпарварлик, инсон комиллиги, тараққийпарварлик, Қошғарийнинг адабий тил бирлигига эришиш, она тилига муҳаббат, Форобийнинг юрт равнақи, халқ фаровонлиги билан боғлиқ

умид, орзу ва чақириқлари жаидлар қарашлари учун муҳим ғоявий-маънавий негиз бўлгани шубҳасиз.

Эътироф этиш жоизки, «тарихий-хронологик жиҳатдан олганда, «миллий уйғониш» ҳодисасининг илк даври Бухоро-Туркистон ҳудудида Аҳмад Дониш фаолияти билан боғлиқ»лиги илмий манбаларда тадқиқ этилган.¹ Шунингдек, Аҳмад Дониш («Наводирул вақое») хулосалари, Комил Хоразмий, Турди Фароғий томонидан маҳаллий халқ аянчли турмушига сабабчилар – «маҳаллий жоҳилият»нинг танқид қилиниши, Муқумий ва Фурқат қарашларида жамият иллатларининг ҳажвга олиниши, озодлик ва миллий тараққиётга эришиш даъватлари жаидлар ва улардан кейинги давр зиёлиларининг қарашлари шаклланишида ғоявий замин бўлганини инкор этиб бўлмайди.

Жаидлар давридаги кескин ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт воқеликлари улар қарашларининг ўзларидан илгариги қарашлардан фарқи бўлишини тақозо этар эди. Чунончи, жаидлар даври миллатнинг мавқеи, сиёсий аҳволи кескин ўзгарган эди. Миллий жипслик йўқотилиши натижасида миллат қудратининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий негизи - мустақиллик бой берилганди. Ўз замонида мамлакат тинчлиги, халқ фаровонлиги мақсадлари юкланган баъзи бир ғоялар жаидлар даврида долзарблигини йўқотганини кузатамиз. Бундай ғоялар кутилган натижани беролмади. Масалан, анъанавий давом эттириб келинаётган «одил подшоҳ», «маърифатли подшоҳ» ғояларини олайлик. Жаидлар даврида юртда кундан-кунга кучайиб бораётган зўровонлик, парокандалик, қашшоқлик, зулмдан энди адолатли ёки маърифатли шоҳ халос эта олмас эди. Шунинг учун ҳам жаидлар миллат мустақиллиги масаласини аниқ ҳолда қўйган, умуммаърифатга даъват ва насиҳат билан чекланмасдан идоравий ислохотлар зарурлигини англадилар. «Ўткан кунлар»нинг «Қипчоққа

¹Бу ҳақда қаранг: Ш. Азизов, С. Азизова. Маърифатпарварлик-ижтимоий-маданий ҳодиса. - Тошкент: Маънавият, 2008.

қирғин» қисмида Юсуфбек мулоҳазаси ва ҳолатини эслаш мумкин: «Иттифоқни нима эканини билмаган ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст, шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тегимизга сув қўядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар».¹

Жадидларда миллий истиқлол ғояси уларгача бўлган анъанавий маърифатпарварлик қарашларидан масаланинг бевосита қўйилиши билан ҳам ажралиб туради. Яъни миллий ғоя, миллий мафкура масаласи жадидлар томонидан истиқлолга эришиш учун йўл очувчи ғоялар сифатида кун тартибига қўйилган. Беҳбудий, Авлоний, Фитратнинг шу хусусдаги бир қатор мақола, илмий, бадиий асарларини эслаш мумкин: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур»², -деб ёзган эди Беҳбудий «Эҳтиёжи миллат» мақоласида. Хуллас, жадидлар даври миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади миллий озодликка эришмоқ, миллат мустақиллигини қўлга киритишда ифодаланса, бугунги мустақиллик қўлга киритилган даврда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш», дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилиш ғояси бош мақсад сифатида олинади. Жадидлар ғояларининг чўққиси бўлган мустақилликка эришиш бугунги кун учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш лозимки, жадидчилик анча мураккаб, зиддиятли ижтимоий ҳодиса. Жадидлар бир-бирларидан дунёқарашлари, ижтимоий-сиёсий мўлжаллари бўйича сезиларли фарқ қилган. Улар орасида фақат маърифатпарварлик позициясида турганлар, ижтимоий-сиёсий қарашлари бир мунча чекланган, мавжуд тузумга нисбатан мўътадил муносабатда бўлганлари кўпроқ. Аммо улар орасида ислохотларни фақат

¹Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. -Тошкент:Ўқитувчи, 1980.-283 б.

²Маҳмудхўжа Беҳбудий. Эҳтиёжи миллат. Танланган асарлар. -Тошкент: Маънавият, 2006.- 200 б.

маориф билан чекланмасдан, жамиятни тўлиқ ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етганлари ҳам бор. Биз жаҳидларнинг энг илғор ижтимоий тараққиёт заруратига мос вакиллари ижоди намуналарининг айримларини таҳлил қилдик, холос.

3.2. Миллий ғоя адабий маънавий илдизларини ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти

Мазкур тадқиқот мавзусини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида гапиргандаунинг икки йўналиши: илмий-назарий ҳамда илмий-амалий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида алоҳида сўз юритиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти, аввало, миллий ғояни ўрганиш мавзулари ранг-баранглигини ва айна пайтда муштараклигини аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беришда, шундай мавзулардан бирини ўрганиб илмий муомалага киритишда, миллий ғояни ўрганиш соҳасини янги аспект билан бойитишда кўринади. Тадқиқот миллий ғоя мазмуни ва мавжудлик шакллари хилма-хил ва бой эканлигини янада аниқроқ тушунишга ва тасаввур этишга, яъни бу борадаги билимларни бойитишга маълум даражада ҳисса қўшади. Шунингдек тадқиқот, ривожланишнинг барқарорлик ва ўзгарувчанлик, ворисийлик ва янгиланиш, узлуксизлик ва дискретлик ва бошқа қонуниятларининг миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлишини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқот Президент Ислон Каримовнинг миллий ғоя бўш жойда пайдо бўлмаслиги, у ҳар бир даврда халқнинг юксак орзу-интилишларини ва идеалларини ифодалаб аجدодлардан авлодларга ўтиб келиши тўғрисидаги тезисини конкрет материаллар — кўп асрлик адабий мерос намуналари асосида илмий жиҳатдан далиллашга ва исботлашга ҳаракат қилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Маданий мерос турлари орасида адабий мерос ўз даври дунёқараши, илғор ғояларини, шу жумладан, муҳолиф қарашларни ифодалаши, худди шундай миллий қарамлик ва ўзга сиёсий мафкура ҳукмронлик қилган даврда ҳам рамзий ва мажозий образлар, воситалар орқали халқнинг дардини, орзу-ҳаваслари ва интилишларини кўрсата олиши ёки шунга даъват этиши билан маданий мероснинг бошқа турлари ва шаклларида ажралиб туради. Мустамлакачилик шароитида сиёсий мафкура, сиёсий ва ижтимоий фанлар, тадқиқотлар доирасида миллий ғояни ҳатто ниқобланган кўринишда ҳам ифодалаш қийин. Давлат цензураси ва тегишли идоралари мафкуравий ҳаётни қаттиқ назорат қилади. Миллий мустақилликка ҳатто билвосита хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай уринишлар бешигидаёқ бўғилади, йўқ қилинади.

Маданий мероснинг бошқа шакллари ва турларининг ифода ва тасвирлаш имкониятлари бадиий адабиётникидай эмас, унга нисбатан чегараланган. Масалан, тасвирий санъат ғоянинг динамик ривожланишини кўрсата олмайди. Мусиқа ғояни аниқ тушунчавий кўринишда шакллантира олмайди. Театр ва кино санъатининг эса драматургик асосини адабий асар ташкил қилади. Адабиёт шартлиликдан, образлиликдан, рамзийлик ва мажозийликдан бадиий тасвирлаш ва ифодалаш воситаси сифатида фойдалангани учун миллий манфаатларни, миллий ғоянинг у ёки бу жиҳатларини ҳатто цензура кучли шароитда ҳам ниқобланган кўринишда акс эттира олади. Шунингдек, адабиёт сўз санъати сифатида универсал характерга эга: у бир вақтнинг ўзида ҳам тасвирлайди, ҳам ифодалайди. Воқеаларни акс эттиришда замон ва макон чегараларини билмайди: хоҳласа воқеани истаган даврга, истаган ҳудудга кўчира олади ва ҳоказо. Адабиёт ҳозирги кундаги миллат дардини, интилишларини усталик билан ўтмиш қаҳрамонлари амалий фаолияти, инсоний муносабатлари, ўй-фикрлари ва идеаллари орқали, яъни тарихий мавзуга бағишланган асар орқали кўрсата олади. Ёки рамзий, қиёсий ўхшатиш орқали замон ижтимоий аҳволини

ифодалаши мумкин. Ўз даврида ўзбек китобхони А.Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърида балиқчани халқнинг мажозий образи, кўлмак ҳовузни совет мамлакати мажозий образи сифатида қабул қилган эди.

Миллий ғоянинг умуминсоний мазмунга эга бўлган эрк, озодлик, миллий жипслик, тинч-тотувлик, элу юрт учун фидойилик ва шу каби фундаментал, яъни пойдеворини ташкил этувчи бирламчи тушунчалари, тамойиллари турли тарихий даврларда мазмунан ва шаклан бойиб, баъзан, аксинча, қашшоқлашиб қолсада, моҳиятан барқарорлигини сақлаганлиги махсус таҳлил қилинди.

Миллий ғоя фаол ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида ҳар бир тарихий давр халқ олдида қўйган талабларни ифодалаган, уларга мос тарзда баъзи бир мезонларини, баҳоларини, тамойилларини ўзгартирганлиги тавсифланди ва далилланди. Миллий ғоянинг фундаментал тушунча ва тамойилларининг моҳиятан барқарорлигида ворисийлик қонунияти юзага чиқиши кўрсатилди. Ворисийлик билан ўзгарувчанлик миллий ғоянинг тадрижий ривожланиш қонунияти эканлигини мумтоз адабий мерос ҳар томонлама тасдиқлаши тадқиқотда очиб берилди.

Биз бугун келажаги буюк янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидан бормоқдамиз. Бу бой ва мураккаб тарихимиз билан исботланган йўлимиздир. Миллий истиқлол ғояси халқнинг улуғ салоҳияти ва тафаккурига таянади. Унинг асл муддаоси бунёдкорлик салоҳиятимизни, ўзлигимизни яна қайтадан юзага чиқариш, шўро даврида онгимизга усталик билан қуйилган миллий номукаммаллик туйғусидан, қарахт йиллар сиртмоғидан тамоман ҳалос этиш ва юксак тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётни қарор топтиришдир. Демак, миллий истиқлол ғояси жамиятнинг сифат жиҳатидан янгиланишини тақозо этади ва шу улуғ мақсадга хизмат қилади. Бу сифатнинг қай даражада бўлиши халқнинг онгига мазкур ғоянинг чуқур сингиб, ҳар бир ватандошимизнинг эътиқодига айланишига боғлиқ. Эътиқод шаклланиши эса жуда мураккаб жараён. У илм(билим), ишонч, ибрат, ихлос

ва ишқ, ижтимоий идеаллар ёрдамида шаклланади. Миллий ғоянинг адабий меросда ўз аксини топган илдизларини ўрганиш бу борада ота-боболаримиз ишончи, ихлоси, интилишлари, элу-юртга муҳаббати, фидойилиги ҳақида ҳам илм беради, ҳам уларни ибрат қилиб ёшларга кўрсатади. Тадқиқотимиз уларга илмий жамоатчилик ва таълим-тарбия институтлари диққатини қаратади.

Миллий ғоянинг маънавий илдизларини ўрганишнинг назарий аҳамияти билан, аниқроғи уни теранроқ тушуниш билан боғлиқ баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аввало «Ўзбекистон келажаги буюк» ғоясини қандай тушунамиз, деган ўринли савол туғилади.

“Ўзбекистон келажаги буюк давлат” ғоясининг буюк давлатчилик шовинизмига алоқаси йўқ. Чунончи, мазкур ғоядаги «буюк» сифати, биринчидан, миллатимиз ва халқимизнинг тарихда эришган илмий, маданий, амалий яратувчилик мавқеига ишора бўлса, иккинчидан, ўз келажагимизни юксак демократик ва фаровон турмуш ўзгаришлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда тасаввур этишимизни англатади. Шу боис, миллий истиқлол ғояси халқимизнинг тарихий интилишлари, олий идеалларининг мужассам ифодасидир. Унинг миллатчилик ва шовинизмга алоқаси йўқлигига тадқиқотда урғу берилган. Айти пайтда, у халқни халқ, миллатни миллат этишга, фарзандларимизнинг биздан кўра, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишларига қаратилган.¹ Бу мўлжал, табиийки, жамият олдига аниқ ва салмоқли вазифаларни қўйди.

Инсон табиатан гўзалликка, эзгуликка, ҳақиқатга, жасоратга, донишмандликка ташнадир. Ватанпарварлик ҳам унга табиатан инъом этилган улуғ тухфа. Миллий истиқлол ғояси миллатнинг, халқнинг орзу-ҳаваси, муҳаббати ва иймони, ғурури ва иродаси, матонати ва эътиқоди тимсоли. У ҳаётимизга кимлардир томонидан сиёсий зўравонлик воситасида олиб кирилаётгани йўқ. У бугун пайдо бўлган жўн истак эмас. Буни адабий

¹Қаранг: Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. -Тошкент:1996.- 42 б.

мероснинг биз ўрганган асарларида акс этган ғоялар ҳам тасдиқлайди. Мазкур хулоса принципиал аҳамиятга эга. Чунки мухолифларимиз орасида миллий ғоя халқни мавжуд муаммолардан чалғитиш, унинг миллий ҳиссиётидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш учун ўйлаб топилган, деган фикрларни илгари сурувчилар ҳам бор.

Истиқлол ғояларини бошқа гўёки тескари позициядан - тор, маиший тўсиқлар ёки тажовузкор ақидапарастликнинг қолоқ, ғайриинсоний хом хаёллари билан инкор этишга уриниш эса, кўр-кўрона ўз илдизига болта уриш билан тенг. Шу ўринда, Президент Ислон Каримовнинг «Донишманд халқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман»,¹ деган иқроридаги даъваткор рух бизга истиқлол ғоясининг бунёдкорлик табиатини тўғри белгилашимизда, қийинчиликларни енгиб, тараққиётга интилишда ижтимоий ва илмий-психологик мўлжал бўлади. Демак, миллий истиқлол ғоясининг теран моҳияти шундан иборатки, у бунёдкор руҳни халқ иродасидан, эътиқодидан, инсон табиати ва тафаккуридан излайди ва бу борада ҳар қандай мутаассибликни рад этади. Адабий мероснинг энг илғор, дурдона асарларида халқнинг эрки, озодлиги, орзу-интилишларига эришиш ҳеч қачон ғайритабиий мўъжизалар ёрдамида эмас, балки халқнинг ўз кучига, ақл-заковатига ишонган ҳолда жипслик, ҳамжихатлик билан амалга ошириладиган бунёдкорлик билан эришилиши айтилади. Халқ томонидан ўз идеалларини талқин қилишда биз мутаассибликнинг бирор-бир очикча ёки яширин унсурларини учратмаймиз. Шу маънода миллий ғоя илдизларининг адабий меросда намоён бўлишини ўрганиш нафақат илмий-назарий, шунингдек ижтимоий-амалий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Миллий истиқлол ғояси билан комил инсон масаласи ҳам узвий боғлиқ. Ёш авлод тарбияси мамлакат ривожланишининг реал талабларига мос ёндашувни, ўзига хос аниқликни тақозо этмоқда. Бу аниқликда бизнинг

¹Ислон Каримов. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

миллат ва халқ сифатидаги замонавий ўзлигимизни англаш даражамиз ва замонавий тараққиёт талаблари тақозо этадиган миллий тафаккуримиз ифодаланиши керак. Токи, биз қурмоқчи бўлган ва қураётган келажаги буюк Ўзбекистоннинг тақдири комил инсон билан боғлиқ экан, биз уни келажак талабларидан, аниқроғи, кенг кўламдаги инсоният эртаси талабларидан ажратиб талқин эта олмаймиз. Бунда биз яна адабий меросимизга мурожаат этамиз ва унда акс этган энг илғор кадриятлардан фойдаланамиз.

Айни пайтда комил инсон хусусида қанчалик бой адабий ва илмий меросга эга бўлмайлик, уни ўтмишдан нусха кўчириб шакллантириб бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир тарихий давр комил инсонга ўзининг аниқ талабларини қўяди. Азизиддин Насафий ёки унинг замондошлари идеалларидан келиб чиқиб комил инсонга қўйиладиган талаблардаги умуминсоний жиҳатлар, бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да, улар ХХІ аср кишиси учун камлик ва маънавий жиҳатдан торлик қилади. Уларнинг баъзи жиҳатлари эса тарихан эскирган, замонавий ҳаётга унчалик мос эмас. Масалан, комил инсон дунёқараши фақат ислом эътиқодига асосланиши лозимлиги, ёки инсоннинг баъзи зарур эҳтиёжлари максимал чегараланиши (нафсга айланмаслиги учун) ва шу кабилар. Бироқ бугунги мутараққий ғарб халқлари талқин қилганидек, индивидуализмни улуғлаш ғоясига тақлидан йўл тутиш ҳам тўғри эмас. Инсоннинг индивидуал интилишларини ҳурмат қилган ҳолда, уни жамоавийликка, ўзга индивидлар манфаатига қарама-қарши қўйиш ярамайди. Шунингдек, бу дегани, биз юқоридаги икки нуктаи назар билан ҳам мутлақо ҳисоблашмаймиз, деган маънони англатмайди. Ҳар иккала қарашлардан оқилона, замонга мос жиҳатларни оламиз.

Адабий меросимиз бизга бу борада таъсирчан ва ибратли мисолларни тақдим этади. Алишер Навоий яратган Фарҳод образида, яъни комил инсон тимсолида биз юксак идивидуал фазилатлар, амалий интилишларнинг замонавийлик, халқпарварлик, фидойилик билан тўлиқ уйғунлашганини кўрамиз. Фарҳод учун худбинлик, фақат ўз манфаатини ўйлаш ҳисси

тамомила ёт. Фарҳодзамонасининг барча илм-фани берадиган билимларни чуқур эгаллаши баробарида касб-хунарларини ҳам ўргангани, мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган таълим ислохотларига, баркамол авлодни тарбиялаш концепциясига жуда мос. Мажбурий таълимнинг икки босқичли тизимга ўтказилиши ва иккинчи босқичда ўрта-махсус таълим олиб бирор хунарни эгаллаш Навоий идеалларига замонавий мазмун ва шаклда Президент И.Каримов томонидан қайта ҳаёт бахш этилишидир. Умуман, комил инсон ғояси фарзандларимиз интилишларига, онгига сингиб кетиши ва жамият тараққиётига самарали нафи тегиши жиҳатидан муҳим. Уни миллий истиқлол ғоясининг хусусий воқелигидан бири дейиш мумкин. Ўз навбатида миллий истиқлол ғояси комил инсон ғояси юзага чиқиши, амалга ошиши учун муҳим маънавий негиз, замин вазифасини ўтайди. Миллий истиқлол ғоясининг теран маънавий илдизларини ўрганиш комил инсонни тарбиялашда улкан илмий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, фақат насиҳат ёки баландпарвоз даъватлар билан ёш авлодни тарбиялаб бўлмайди, уларга аниқ ва ибратли жонли мисоллар, таъсирчан бадиий асарлар панду-насиҳатларга нисбатан кўпроқ керак.

Миллий истиқлол ғоясининг жамият учун чинакам фаолият мезонига айланиши жамиятда инсон қадри нечоғлик аҳамиятга эга, деган саволга амалий жавоббилан боғлиқдир. Мана шу мўлжални оқилона белгилаш ҳар қандай ғоянинг, жумладан миллий истиқлол ғоясининг ҳам тақдирини ҳал этади.

Фикран қарам, боқимандалик кайфиятидаги одам ғоявий жиҳатдан беқарор, бефарқ ёки фаоллиги самарасиз, хаёлий, хатоларга мойил кишидир. У айрим ҳолларда бошқалар қўлидаги қуролга айланиши мумкин. Миллий истиқлол ғояси эсабундай кимсаларни яратувчи шарт-шароитларни ҳаётимиздан сиқиб чиқаришга, ижтимоий жараёнларнинг инсон тарбиясига ижобий таъсирини кучайтиришга ёрдам беради. Иккинчидан, инсон қадри жамиятда инсон қай даражада ўзининг ижодкорлиги, яратувчилик

салоҳиятини эркин юзага чиқара олиш, ўзини шахс сифатида намоён қила олиш имкониятлари билан белгиланади. Бу ҳам адабий меросимизда ўзининг ҳар томонлама теран ифодасини топган. Инсон ижтимоий мавжудод сифатида фақат жамиятда, фақат жамоаси, халқи орасида эркинликка эришади, қадр-қимматини топади. Миллий истиқлол ғояси инсонга ўзини миллати ва халқининг бир бўлаги деб ҳис этиш имконини берар экан, унга эркин бўлиши, қадр топиши учун қўшимча асос вазифасини ўтайди. Миллий истиқлол ғояси жамият ва инсон ривожланиши давомида ҳаётнинг янги талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ такомиллашиб, ўз мезон ва мўлжалларини конкретлаштириб, чуқурлаштириб, кенгайтириб бориши лозим.

Хуллас, миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсади ва таянчи инсон, унинг қалби ва тафаккурдир. Истиқлол ғоялари инсон қалби ва қадрини улуғлаш йўли билангинаунинг эътиқодидан ўрин олади. Жамият фуқароларини улуғвор интилишлар, хусусан «Шу азиз ватан барчамизники» ғояси атрофида яқинлаштиради. Турмуш фаровонлиги ва инсон эркинлигининг ўсишига хизмат қилади. Инсонпарварлик, тараққийпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари жамият аъзоларининг эътиқодига айланади. Жамиятда соғлом маънавий эҳтиёж шакллари кенгая боради. Адабий мероснинг, замонавий илм-фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг аҳамияти янада ошади.

Ҳозир биз бошимиздан кечираётган ўзгаришлар тарихан салмоқли, лекин, аслида, катта жиддий жараённинг бошланиши, холос. Биз янги дунёвий тамаддунга қараб, очиқ ривожланиш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятнинг юксалишига шахснинг маънавий юксалиши орқали эришилади ва, аксинча, жамиятнинг юксалиши инсон камолотига хизмат қилади. Бу жараённинг ўзи ҳам доимий равишда бойиб, такомиллашиб боради ва қотиб қолган анъанавий ёндашувларни ва воситаларни рад этади. Тарбия жараёнида энг таъсирчан воситалардан бири эса адабий меросдир.

Бизнинг тадқиқотимиз материалларидан, хулосаларидан маълум даражада қадриятшунослик (аксиология) ва этика фанлари ҳам фойдаланишлари мумкин. Чунки ватанпарварлик, мардлик, фидойилик, ҳалоллик ва шу каби тушунчалар бир вақтнинг ўзида юксак ижтимоий қадриятлар ва ахлоқий тамойиллардир. Уларнинг турли даврларда қандай тушунилгани, қандай талқин қилингани, шаклан ва мазмунан бойиб, инсон, жамият, эл-улус ва юрт олдида турган долзарб ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммолар билан қандай боғланганини аниқлаш, билиш, ўрганиш аксиология ва этика фанлари учун кераклидир. Айнан ушбу фикрларни баъзи бир тузатишлар билан фалсафа тарихи, сиёсатшунослик фанлари учун ҳам фойдалилиги ҳақида айтиш мумкин. Маълумки, фалсафа тарихи ижтимоий ғоялар туғилишини, ривожланиш қонуниятларини, бу ғояларнинг ўзаро муносабатлари ва таъсирини ўрганади. Шу сабабли мазкур тадқиқотдан фалсафа тарихи конкрет илмий материалларни олиши ва фойдаланиши мумкин.

Халқ ва ҳокимият, халқнинг ҳокимиятга муносабати, миллий жипслик, тинч-тотувлик, ташқи ва ички хавф-хатардан огоҳлик, эл-юртни, давлатни ташқи тажовуздан ҳимоя қилиш каби масалалар ота-боболаримиз томонидан қандай ҳал қилингани сиёсатшунослик фани ва унинг тарихи учун қизиқарли мавзулардир.

Шу сабабдан бизнинг тадқиқотимиз ижтимоий фанларнинг кўп соҳалари учун муайян фойда келтириши мумкин, чунки уларнинг тематик ёндош тадқиқотлари билан бир-бирини тўлдиради.

Тадқиқотнинг амалий-тарбиявий аҳамияти унинг хулосалари ва таҳлилларидан таълим-тарбия жараёнида таълимнинг турли бўғинлари учун Ватан адабиёти, тарихи, Ватан туйғуси, миллий ғоя, одоб-ахлоқ фанларига оид ўқув қўлланмалари ва дарсликлари дидактик материалларида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб учинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жадинлар меросида миллий қадриятлар тизими сезиларли ўзгарганини, баъзи тамойил ва мезонларнинг сифат жиҳатдан янгиланиши юз берганини кузатамиз.

Маориф, халқ онги ва тафаккури мазмуни, илм-фан ривож, адабиёт ва санъат, шаклланаётган миллий матбуот, ислоҳ қилинаётган мактаб олдида жадинлар томонидан энг аввало халқни тараққиёт сари етаклаш вазифаси қўйилди.

2. Адабиётда анъанавий ишқий, сўфиёна ғоялар, диний мазмундаги панду насиҳат ва баъзи одоб меъёрлари жадинлар ижодида етакчилик мавқеини йўқотди. Жадинларнинг илғорлари адабиётга ижтимоий долзарб мавзуларни, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, миллий тараққиёт ғояларини олиб кирдилар. Шу сабабдан улар ҳатто мумтоз адабиётдаги аруз вазни билан чекланиб қолмасдан, халқ ижодиётига ва эстетик идрокига яқин, шаклан халқчил ва тушунарли бармоқ вазнига кўпроқ мойиллик кўрсатдилар, драматургия жанрига ва театр санъатига, миллий вақтли матбуотга асос солдилар.

3. Жадинлар ворисийлик тамойилини тўлиқ сақлаб, ривожлантирган ҳолда, замон талабларига мос тарзда миллий онгимиз, тафаккуримизни, халқнинг ҳаётга ва ижтимоий тараққиётга муносабатини ўзгартиришга, янгилашга уриндилар. Уларнинг Амир Темур образига, буюк аجدодларимиз хотираси ва меросига, юртимизнинг буюк ўтмишига мурожаат этиши, улардан ибрат олишга чорлаши жадинларнинг ворисийлик тамойилига қанчалик аҳамият берганидан далолатдир.

Айни пайтда жадинларнинг анъанавий “одил шоҳ” ғоясидан, баъзи бир консерватив урф-одатлар ва шу каби миллий тараққиётга тўсқинлик қилаётган эскилик қолдиқларидан воз кечиб, замонавий илм-фан, маориф, техника ютуқлари, жамият ҳаётини қуриш ва бошқаришнинг илғор ғояларига

рағбатлантириш эса уларнинг туб ислохотларга, янгиликларга интилишидан далолатдир.

4. Жадидлар меросида анъанавийлик ва замонавийлик, ворисийлик ва янгиланиш тамойиллари уйғунлигини, мураккаб ва зиддиятли масаланинг оқилона ечимини кўрамиз.

5. Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги туфайли халқимизнинг тўлақонли миллий ғояси ва тизимли миллий мафкураси шаклланди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарларида миллий истиқлол ғоясининг тубдан янги сифат касб этган назарий асослари яратилди.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий **хулосаларга** келинди.

1. Миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳиятини, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини теран англаш, миллий ғояни миллий тараққиётнинг энг долзарб ва устувор йўналишлари билан боғлаб, такомиллаштириб бориш учун унинг маънавий илдизларини билиш керак.

Миллий истиқлол ғояси сунъий ўйлаб топилган ҳодиса эмас. Миллий ғояни ташкил этувчи фундаментал тушунчалар, мезонлар, тамойиллар – маънавий қадриятлар халқнинг минг асрлик тарихига сингиб кетган, маънавий- маданий меросида тадрижий ривожланиб, такомиллашиб келган.

Миллий ғоя куртаклари турли тарихий даврларда пайдо бўла бошлаган, мазмунан бойиб борган, замон даъватлари ва талабларига, халқимиз олдида турган ижтимоий заруратга жавоб сифатида конкрет-тарихий мазмунга эга бўлган.

2. Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин, мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-тотувликни сақлаш, халқни, давлат ва жамиятни тубдан қайта қуришга, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишга сафарбар этиш, бир томондан – ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасида, иккинчи томондан – турли миллатлар ва элатлар, диний конфессиялар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик ва бағрикенгликни таъминлаш учун умумий бирлаштирувчи ғояга зарурат юзага келди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистонда яшовчи барча ижтимоий гуруҳларни, миллат ва элатларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирувчи ғоя – бу миллий ғоя бўлишини асослади. Унинг теран, илмий ва адолатли талқинида миллий ғоя миллатчилик ва миллий маҳдудликдан ҳоли, у умуминсоний қадриятларга қарши турмайди, аксинча, инсониятнинг барча ижобий ютуқларига,

янгиликларга очик. Айни пайтда миллий ғоя давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Миллий ғоя тарихий зарурат туфайли юзага чиқади. Халқнинг, жамиятнинг, миллатнинг юксак интилишларини, тарихий орзу-мақсадларини ифода этади.

3. Инсонпарварлик билан йўғрилган, тараққиётга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялар қачон, қайси мамлакатда туғилмасин, туб моҳиятига кўра умуминсонийлик касб этади. Ҳақиқий бунёдкор ғоялар олдига қўйган мақсад ва вазифалари, ифода тили ва шакли бўйича миллий кўриниш олсада, мазмун ва моҳияти бўйича умуминсоний ғояларга яқин туради.

Халқимизнинг миллий ғояси жамият ва инсон ривожланиши давомида ҳаётнинг янги талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ такомиллашиб, ўз мезон ва мўлжалларини конкретлаштириб, кенгайтириб борган.

4. Миллий ғоянинг маънавий илдизларини тадқиқ этиш маънавий меросдаги муштарак мақсад ва маънони, ворисийликни теран англаш имконини беради. Маънавий меросимиздаги илғор ғоялардан баҳраманд бўлиш халқимиз ҳар бир авлодининг миллий менталитети шаклланишига, ўзлигини англашига кўмаклашади. Ватанимизнинг буюк келажагига ишончни мустаҳкамлайди, ёт, бузғунчи ғояларга, мафкуравий хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилишда фойда беради.

5. Миллий ғоянинг илк маънавий илдизлари аввало ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпосларида акс этган. Халқ оғзаки ижодида, қаҳрамонлик достонларида ватанпарвар боболаримизнинг ижтимоий тажрибаси, ҳаёт сабоқлари, авлодларга ўғитлари, даъватлари акс этган.

6. Амир Темури ва темурийлар даврида бошланган миллий тикланиш ва юксалиш маънавиятининг чўққиси Алишер Навоий ижодидир.

Алишер Навоийнинг инсон ва жамият, мамлакат ва шахс манфаатларини уйғунлаштирувчи ғоялари, адолат, инсон қадри, она тилига ва она ватанга муҳаббат, халқпарварлик, тараққийпарварлик ғоялари сингдирилган асарлари миллий ғоямизнинг маънавий асосидир. Навоий

қарашлари, аллома илгари сурган ғоялар тизими яхлит ижтимоий таълимот даражасига кўтарилган. Унинг бутун ижоди, қолдирган адабий мероси, шубҳасиз бугунги миллий ғоямизнинг, миллий маънавиятимизнинг энг теран ва забардаст илдизларини ва негизини ташкил этади

7. XVI - XIX асрлар халқимиз, маънавий маданиятимиз тарихида мураккаб, қарама-қаршиликларга, зиддиятларга бой, айирмачилик ва феодал тарқоқликка интилиш кучайган давр эди. Оқибатда ўзбек давлатчилиги уч хонликка бўлиниб кетди. Ғоявий-маънавий илдизларимиз заифлашиб қолди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида эса халқимиз мустамлакачилик домига тушди. Бундай шароитда эртами-кечми миллатнинг фидойи фарзандлари истиқлол ғояларини илгари суришлари, халқни уйғотишга, онгини ўстиришга интилишлари муқаррар эди. Улар ўзбек халқи тарихига ва маънавий маданиятига жаҳид маърифатчилари номи билан кириб келдилар.

8. Жаҳидлар меросида миллий қадриятлар тизимида сезиларли ўзгариш, баъзи тамойил ва мезонларнинг сифат жиҳатдан янгиланиши юз берганини кузатамиз. Жаҳидлар ворисийлик тамойилини тўлиқ сақлаб, ривожлантирган ҳолда, замон талабларига мос тарзда миллий онгимиз, тафаккуримизни, халқнинг ҳаётга ва ижтимоий тараққиётга муносабатини янгилашга ва ўзгартиришга уриндилар.

Жаҳидлар ижоди ва фаолияти жамият маънавий ҳаётидаги аввалги ҳолатнинг инкори, янги сифат босқичининг шаклланиши эди. Жаҳидларнинг миллий жипслик, ватанпарварлик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, идоравий бошқарувни, қонунчиликни ислоҳ қилиш, урф-одатларни такомиллаштириш, янги авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш каби тамойиллари бугунги миллий истиқлол ғоямизнинг маънавий илдизларидир.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий **тавсиялар**ни билдиришни лозим топдик:

- ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш зарурлигини, миллий ғоянинг теран илдизлари халқнинг адабий меросида мавжудлиги, тадрижий ривожланиб келганлигини ҳисобга олиб уни миллий ғоя билан боғлаб илмий ўрганиш асосида махсус ўқув қўлланмалар яратиш ва таълим тизимига жорий этиш;

- миллий ғоянинг теран илдизларини ҳар томонлама тадқиқ этишга ва таълим муассасаларида ўрганишга эътиборни кучайтириш лозим. Зеро, уларни билиш халқимизда, айниқса ёшлар онгида соғлом миллий ғурурни, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз деган ишончни шакллантиришда энг самарали омил ва манбалардан биридир. Бу, биринчидан, аجدодлар бой маънавий меросини изчил ўрганишга ёрдам берса, иккинчи томондан – аجدодлар меросига муносиб даражада маънавий масъуллиikka ундайди, турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланишда ишончли восита бўлади. Шунинг учун бу борадаги мақсадли тадбирларни барча йўналишларда “маънавий тарғибот” бўлимлари, бошланғич ташкилотлари орқали ҳам фаоллаштириш;

- ўрта мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда она тили ва адабиёти, Ватан тарихи, миллий ғоя ва маънавият асослари каби фанларни ўқитишда маданий меросда акс этган миллий ғоя илдизларини ўрганишнинг ўқув-услубий масалалари, интерфаол усуллари бўйича малака ошириш институтлари, педагогларни қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш ўқувлари дастурига махсус курслар ёки мавзулар киритиш;

- миллий ғоянинг маънавий илдизларини ўрганиш тарихий хотирани асрашда, мумтоз қадриятларни ўзлаштиришда, замонавий маданият ҳодисаларини, жумладан оммавий маданият ҳодисаларини холис баҳолашда, мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ёшлар ўртасида Республика, вилоят ва шаҳарлар миқёсида илмий-назарий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, баҳс ва мулоҳазалар, танловлар ташкил этиш.

Бу тадбирларда таълим муассасаларидан ташкари ижодий уюшмалар, “Камолот” ЁИХ, “Маънавият тарғибот” бўлимлари ва ОАВ ни кенг жалб қилиш;

- миллий ғоянинг теран маънавий илдизларини ёритишга бағишланган бадий асарлар, кинофильмлар, телекўрсатувлар, публицистик асарлар яратилишини рағбатлантириш. Академик илмий, илмий оммабоп, бадий-маърифий журналларда махсус рукнлар ташкил этиш. Бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мазкур рукн остида мунтазам чоп этиб бориш;

- битигтошлардаги ёзувларни тўплаш, ҳозирги замон ўзбек тилига таржима қилиш ва шарҳлаб нашр қилиш, мактаб дарсликларига, хрестоматияларига (адабиёт, тарих бўйича) киритиб бориш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- 40б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 363 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 524 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –365 б.
5. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.–Тошкент: Ўзбекистон,1996. – 350 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 381 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 430 б.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 308 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 490 б.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 430 б.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 430 б.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 320 б.

13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400б.

14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 448 б.

15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

19. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил, 18 январдаги Фармойиши // Халқ сўзи. – 2001. – 19 янв.

20. Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.

21. Абдурашидхонов Мунавварқори. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 301 б.

22. Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 304б.

23. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 29 б.

24. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик, курашлар, изтироблар ва қувончлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 79 б.

25. Азизов Ш, Азизова С. Маърифатпарварлик – ижтимоий-маданий ҳодиса.-Тошкент: Маънавият,2008. – 176 б.
26. Бобоев Ҳ, Ғафуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.- 108 б.
27. Бунёдкор ғоялар. –Тошкент: Ижод дунёси, 2002. – 130 б.
40. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. - Тошкент: Ижод дунёси, 282002. – 29 б.
28. Бегматов А. Маънавият фалсафаси. –Тошкент: Шарқ, 2000. –96 б.
30. Бакиров П. Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш. -Тошкент: Маънавият, 2007. – 46.
31. Жакбаров М. Комил инсон ғояси.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.- 305 б.
32. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет.- Тошкент: Маънавият, 2001. – 16 б.
33. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 444 б.
34. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- 80 б.
35. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар.-Тошкент:Янги аср авлоди, 2001.- 183 б.
36. Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. – Тошкент: Янги аср авлоди,2002.- 190 б.
37. Миллий ғоя – бизнинг ғоя.-Тошкент: 2001.
38. Миллатлараро ҳамжиҳатлик - барқарорлик омили. – Тошкент: Ўзбек байналминал маданият маркази, 1999.- 266 б.
39. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (маъруза матнлари учун материаллар) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 78 б.
40. Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт.- Тошкент: Ижод дунёси, 2002.–22 б.

41. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. - Тошкент: Ижод дунёси, 2002. – 29 б.
42. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари.- Тошкент: Ижод дунёси, 2002. – 29 б.
43. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари.-Тошкент: Ижод дунёси, 2002.- 29 б.
44. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари.- Тошкент: Ижод дунёси, 2002. – 28 б.
45. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари.-Тошкент: Ижод дунёси, 2002. – 30 б.
46. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.- Тошкент: Шарқ, 2001.- 160 б.
47. Навоий Алишер. Садди Искандарий. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 329 б.
48. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами.16 том. Муҳокамат ул – луғатайн. - Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
49. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.- 183 б.
50. Назаров Қ. Ҳозирга замон ва умуминсоний қадриятлар. -Тошкент: Маънавият, 1994.-23б.
51. Ортиқов М, Усмонов М. Ғоя ва мафкура.- Тошкент:Янги аср авлоди, 2001.-30 б.
52. Отамуротов С, Мамашокиров С, Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. -Тошкент:Янги аср авлоди, 2001.- 30 б.
53. Отамуратов С, Отамуратов С. Ўзбекистонда маънавий – рухий тикланиш.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.- 139 б.
54. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 134 б.

55. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.- Тошкент: Мухаррир, 2009.- 95 б.
56. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Тошкент: Академия, 2001.- 334 б.
57. Тўраев Ш. Жамият тараққиёти ва миллий ғоя. – Тошкент: Академия, 2008.– 28 б.
58. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя.- Тошкент: Маънавият, 2008.- 94 б.
59. Умарова Н. Миллий истиқлол ғоясини умумий таълим тизимида сингдириш технологияси.- Тошкент: Академия, 2003.- 157 б.
60. Шайхова Х. Маънавият ва соғлом авлод камолоти.- Тошкент: Академия, 2006.- 192 б.
61. Шермухамедов С.Ш. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданияти. Тошкент: Маънавият, 1998.- 32 б.
62. Эркаев А.П. Миллий ғоя моҳияти.- Тошкент: Маънавият, 2000.- 32 б.
63. Эркаев А.П. Миллий ғоя ва маънавият. - Тошкент: Маънавият, 2002. – 240 б.
34. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.- Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –109 б.
65. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. - Тошкент: Ижод дунёси, 2001.- 30 б.
66. Қосимов Б. Миллий уйғониш.- Тошкент: Маънавият, 2002. – 396 б.
- 67.Қуроноф М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. - Тошкент: Маънавият, 2005.- 96 б.
68. Қуроноф М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.- Тошкент: Академия, 2008. – 32 б.
69. Қўчқоров В. Маънавият ва миллий ўзликни англаш. - Тошкент: Академия, 2008.- 155 б.

70. Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. - 159 б.
71. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. - Тошкент: Шарқ, 1998. - 158 б.
72. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. - 202 б.
73. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. - Тошкент: 2002.